

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 711.14:528.44

МАРОЗИКОВ ШЕРЗОД ИЛЯСОВИЧ

**Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини
жойлаштиришда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг
ҳолати**

5A410701– Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
т.ф.н. Бахромов М.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I	
боб. Фарғона шаҳрида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш.	13
1.1. Фарғона шаҳрида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш муоммолари	13
1.2. Фарғона шаҳрида ер баҳолашнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.	23
II	
боб. Фарғона шаҳрининг табиий, иқтисодий шароити ва фермер хўжалиги худудида кўчмас мулкларни жойлаштириш хусусиятлари	30
2.1. Фарғона шаҳрининг табиий ва иқтисодий шароитлари тўғрисида маълумот.	30
2.2. Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини жойлаштириш.....	35
III	
боб. Фарғона шаҳри бўйича хизмат корхоналарини жойлаштиришда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг ҳолати.	47
3.1. Ер мониторинги - ердан фойдаланиш даражасини белгиловчи тадбирлар тизими.....	47
3.2. Ер таксимотининг умумуслубий асослари.....	59
Хулоса ва таклифлар	85
Адабиётлар рўйхати	88

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз иқтисодиётини тубдан интенсив ривожланиш йўлига бурилиши, барча соҳа ва тармоқларда илмий-техника тараққиётининг жадал тадбиқ этилиши, ягона иқтисодий организм сифатида агросаноат мажмуасини фаолият кўрсатиши, ердан самарали фойдаланишда янги ва устувор йўналишларни тадбиқ этишни талаб қилади. Бундай шароитда ердан фойдаланишни ташкил этишни бошқариш, агросаноат мажмуасининг барча даражаларида ер ресурси тежамкорлигини таъминлайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этади.

Шундай қилиб, пировард мақсадда ердан фойдаланишнинг тежамли тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш, яъни агросаноат мажмуасида ва умуман иқтисодиёт тармоқларида уларни аниқ мақсадга йўналтирилганлигини – ер майдонини тежаш ва ундан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш, ер тоифалари буйича, айниқса қишлоқ хўжалик ер фондида табақалаштирилган мезонни таъминлашдан иборатдир.

Равшанки, бу ерда айрим тадбирларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бинобарин, ердан фойдаланиш масаласини ечишга, янги шароитда, мажмуали ва тизимли ёндашув талаб этилади. Бироқ нафақат оддий тадбирлар мажмуаси, балки ердан фойдаланиш иқтисодиётини ташкил этиш, режалаштиришнинг барча тизимларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш, пировард натижада аграр соҳа ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг яхлит ва самарали тизимини яратиш керак.

Демак, ер солиғини ва бюджет даромадларини кўпайтиришга имконият берадиган ер ресурсларини бошқаришнинг минтақа ва маҳаллий ўз-ўзини бошқаришда инвестициялар жалб қилишнинг, ер муносабатларининг субъектлари учун кафолатланган ҳуқуқ билан таъминлашнинг самарали ташкилий тизимини яратишда янги тамойиллар ва услублар вужудга келади.

Ер ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўзининг асосий хусусиятларидан ташқари ушбу ресурс ишлаб чиқариш воситаси, ҳудудий

бизнес, табиий бойлик, ҳуқуқий муносабатлар ва кўчмас мулк объекти бўлиб қолди.

Маъмурий-ҳудудий даражада вилоят ва туман (шаҳар)да ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий бошқаришнинг муҳим омилларидан бири Давлат ер кадастри ҳисобланади. У ер муносабатларини иқтисодий тартибга солишнинг ва ҳудудий давлат бошқарувининг ахборот асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ер кадастрининг асосий бозор шароитига мослашган бўлиши керак. Айниқса, бу ер муносабатлари субъектлари қонун ўзгариши таркибий қисмларининг ўзаро мувофиқлигини асосланганлиги илмий-услубий жиҳатдан тамойилларини тадбиқ этишда ҳамда турли тоифадаги ерларни давлат ер кадастри ёрдамида баҳолашнинг иқтисодий асосланган усулини ишлаб чиқишда муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Бозор муносабатларини қарор топиши шароитида ерларни давлат бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмларини қулай мажмуали услубларини қуллаш ва бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминлаш айниқса савдо, маиший ва хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга ер муносабатларини давлат бошқарувида ягона тартибни ўрнатиш, ижара ҳақини белгилашда оқилона услубларни ишлаб чиқиш, ер бозори ҳолатини аниқ акс эттирадиган иқтисодиётнинг ҳолати ва ундаги жараёнларни бошқариш тизимида тадбирлар мажмуасини шакллантиришнинг бирламчилигини ҳисобга олувчи аҳамиятга эга.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий механизмлари назариясини ишлаб чиқиш, ердан фойдаланиш шакллари ва услубларини қўллаш, ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнларини, инвестицион, баҳолаш, суғурта фаолияти, ипотека кредитлаштириш, ерга оид қимматбаҳо қогозлар билан муомала ўтказишни рағбатлантириш зарурияти ҳам туғилмоқда.

Давлат кадастрлар тизими, шу жумладан ер кадастри олдига қўйилган муаммоларни ечиш масалаларини далзарблигига қарамай ҳозирги даврда олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари ва уларни амалиётдаги зарурияти етарли даражада ўрганилмаган. Махсус адабиётларда ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари яхлит ва глобал муаммо сифатида ҳамда унинг асосий бўғини бўлган аграр соҳа даражасида мураккаб тизим сифатида яхлит ва поғонали занжир сифатида тадқиқот қилинмаган.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан бошқариш негизида тармоқлараро ер тақсимоти ва ердан фойдаланишни умум услубий масалалари комплекс ҳолда ўрганилмаган ва тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган. Натижада ҳозирги даврда муаммога объектив ва ҳаққоний баҳо бериш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолган. Глобал муаммо бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатдан бошқаришда хусусий масалалар бўйича ёндашувлар натижасида яхлит илмий йўналишнинг бир қадар «йўқолиб қолишига» сабаб бўлиб келмоқда. Ер кадастр ва ер тузушнинг умумлаштирувчи юқори поғонаси бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг истиқболдаги методологик такомиллашуви бу муаммога илмий услубий асосланган комплекс ва тизимли ёндашув ҳисобланади.

Демак, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган туб умум иқтисодий ва аграр ислоҳотларни ҳаётга тадбиғи, халқ хўжалик тармоқларининг, жумладан аграр соҳанинг истиқболдаги равнақи, ер танқислиги муаммоларининг кескинлиги ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкилий-иқтисодий бошқаришнинг илмий ва методологик асосларини яратиш ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш соҳасида маълум илмий изланишлар амалга оширилган. Бу йўналишда И. В. Дегтярев,

С. А. Ткачук, В. Н. Хлыстун, Т. П. Магазинщиков, Я. Я. Мауль, М. А. Генделман, Б. П. Балеэн, С. А. Аведбаев, А.С. Чертовичкий, Г.А. Талипов, Ё.П. Умурзоков, Ч. Муродов, А. Абдуганиев, И.М. Зак ва бошқа олимлар ўзларини салмоқли илмий услубий хиссаларини кўшганлар. Ушбу муаммога ўзларининг махсус тадқиқотлари ва илмий изланишлари билан хисса кўшган олимларга В.В. Ким, К.А. Чориев, Ф.К. Каюмов, Е.С. Карнаухова, А.Т. Абдуразаков, А.Р. Бобожанов ва бошқалар киради.

Самарали технологияларни жорий қилиш асосида аграр соҳада ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари Р.Х. Хусанов, К.А. Хасанжонов, О.Р. Рамазонов, М. Хошимжонов, А.С. Цамутали, сингари иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ёритилган.

Лекин юқоридаги номлари зикр этилган олимларнинг илмий изланишларига қарамасдан, бозор муносабатларининг изчил шаклланиши даврида ва бу жараёнда ер ресурсларидан фойдаланишда унинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш муаммолари бугунги кунда етарли даражада илмий - услубий жихатдан ўрганилмаган. Бу эса ушбу илмий тадқиқотнинг изланиш мавзусининг танлашга асос бўлди.

Танлаган мавзуни кенг қамровлилиги ер кадастри, ер мониторинги, бошқарувда психологик омиллар, махсус ер фондини ташкил этишнинг илмий услубий асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий - тадқиқот ишлари натижаларини илмий нашрларда чоп этилмаганлигидан ҳам маълум.

Илмий - тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини жойлаштиришда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ер ислоҳотини ўтказиш концепцияси асосида Ўзбекистонда ер муносабатларини тартибга солишнинг устувор йўналишларини белгилашнинг илмий асосларини ривожлантириш хисобланади. Шунингдек, илмий - тадқиқотлар мақсади доирасида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкилий-иқтисодий механизмларини илмий методологиясини ривожлантиришда муаммога яхлит ва мураккаб

жараён сифатида тизимли ёндашув асосида унинг илмий - услубий назариясини ривожлантириш ҳамда ер тақсимотини иқтисодий асослаш киради.

Диссертация ишидаги мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги илмий амалий вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича хорижда ва республика доирасида эришилган тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш;
- «Ердан фойдаланиш» атамасининг ташкилий ва иқтисодий моҳиятини очиқ бериш. Унинг шаклланиши ва ривожланиш кўламини объектив шарт-шароитлари бозор муносабатларига ўтиш жараёнига мос ҳолда тадқиқ қилиш;
- маъмурий туман, вилоят ва давлат миқёсида ягона давлат кадастрлари ва ер кадастрини юритиш механизмлари ўрганиш, баҳолаш ва уларнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;
- ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш давлат тадбирлар тизими сифатидаги тушунчаси ва уларнинг иқтисодий моҳиятини ёритиш;
- Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини жойлаштиришда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий - услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- махсус ер фондини ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш;
- Фарғона шаҳрида ер ресурсларини агросаноат мажмуи бўйича тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимотининг моделларини яратиш;
- Фарғона шаҳрида ер ресурсларидан самарали фойдаланишда кўчмас мулк омилининг таъсир механизмини ўрганиш ва такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Тадқиқотлар ердан фойдаланиш жараёнининг таҳлили ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни прогнозлашни диалектик ёндашувига асосланган.

Тадқиқотнинг методологик йўналиши муаммога тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил услубига асосланади. Шунингдек, мамлакатимиздаги ва чет эл иқтисодчи олимларининг ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари, табиий ресурслар салоҳияти, аграр соҳанинг ривожланиши ва тармоқларнинг ҳудудий жойлашуви, ер тузиш, ер кадастри ва мониторинги, ердан фойдаланиш иқтисоди муаммолари бўйича бажарган илмий ишлари таҳлил методи асосида ётади.

Иқтисодий воқеъликларнинг бир бирига боғлиқ равишда пайдо бўлиши ва ривожланишини ифодаловчи илмий - назарий асослари, ернинг ишлаб чиқариш воситаси ижтимоий-иқтисодий боғланишлар объекти ва табиат комплексини асосий унсури изланиш методологиясини ташкил этади.

Тадқиқот ишларида иқтисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, меъёрий, баланслаш ва бошқа услублардан кенг қўлланилади. Ишда Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилади. Тадқиқотнинг муҳим методологик тамойили – ер фондининг миқдор ва сифат баҳосини ер ресурсларидан самарали фойдаланиш билан узвий боғлиқ ҳолда минтақавий ечимларни бажаришга қаратилгандир. Тадқиқот жараёнида Фарғона шаҳар Давлат кадастр кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик ва прогноз кўрсаткичларидан, муаллиф томонидан йиғилган ва умумлаштирилган илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларининг илмий ҳисоботлари ҳамда дала-қидирув ва монографик тадқиқотлар материалларидан фойдаланилади.

Тадқиқот жараёнида муаллиф ер кадастри, ер тузиш, ер ҳуқуқи, бошқарув психологияси, умум иқтисодий ва бошқа илмий йўналишларга суянади.

Изланиш объекти ва предмети. Тадқиқот объекти – Фарғона шаҳри ягона ер фонди, ер тоифалари ва аграр соҳадаги ердан фойдаланувчи субъектлар ҳисобланади. Тадқиқот предмети-иқтисодиёт тармоқларида ва жумладан, савдо, маиший ва хизмат корхоналарини қуриш учун ердан фойдаланишдаги ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнлар

хисобланади. Ерни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ундан самарали фойдаланишни бошқариш ва ер муносабатларини тартибга солиш асосидаги ер тақсимоти масалалари ушбу тадқиқот ишининг предметиدير.

Тадқиқот жараёнларида асосий маълумот манбалари сифатида ҳукуматнинг ер муносабатларини тартибга солиш, ердан фойдаланиш, ер кадастри ва мониторинги, ер тузиш бўйича ҳукумат қарорлари, Фарғона шаҳар Давлат статистика қўмитаси йиллик тўпламлари, давлат ер ҳисоби, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни руйхатга олиш, ерларни сифат баҳоси, туманлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарнинг йиллик ҳисоботлари, илмий тадқиқот ва лойиха институтларининг тавсияномалари, айрим иқтисодчи олимларнинг илмий - услубий асарлари ва шу кабилардан кенг фойдаланилади. Асосий илмий - амалий ечимларни чуқур тадқиқ ва тадбиқ этиш эса қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар мисолларида олиб борилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги – Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини жойлаштиришда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги иқтисодиёт шароитлари учун такомиллаштирилганлигидир. Шу нуқтаи назардан изланиш жараёнида:

-Фарғона шаҳрида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкилий-иқтисодий асосларини назарий жиҳатдан ривожлантириш;

- Фарғона шаҳрида бозор муносабатларига ўтиш шароитида ер тақсимоти назариясининг асосий йўналишлари, моҳияти ва аҳамияти ўрганиш ва ривожлантириш;

- Фарғона шаҳри ер ислоҳотининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш;

- Фарғона шаҳрида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида махсус ер фондини ташкил этишнинг ташкилий механизмини илмий жиҳатдан асослаш;

- аграр соҳа тармоқлари ва тармоқ ичидаги соҳалар бўйича ер таксимотининг назарий ва амалий масалалари бўйича ечимлар бериш;
- ер ресурсларини интеграцион бошқаришда кўчмас мулклар хусусиятларининг бозор муносабатлари шароитидаги ўрнини аниқлаш;
- Фарғона шаҳри ер кадастри ва мониторинги тамойиллари, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларини қисмлари ҳозирги давр талаб даражасида илмий - услубий жихатдан асослаш;
- ердан фойдаланувчи субъектлар раҳбарларининг психологик хусусиятларини ер ресурсларидан самарали фойдаланишдаги ташкилий-иқтисодий таъсир қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади.

Ердан оқилона ва самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такоиллаштириш ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишларининг асосий ғоялари, назарий - услубий ёндошувлар ва амалиётга тадбиғи натижалари илмий мақолаларда, илмий - услубий тавсияларда, маърузалар матнида ва тезислар шаклида ёритилган. Диссертациянинг мазмуни асосан умум иқтисодий, ер кадастри ва ер тузиш соҳалари бўйича ўтказилган илмий - амалий анжуманларда апробациядан қилинган.

ТИМИ (2013); Тошкент аграр университетида (2014), Бухоро давлат университетида (2014), ТИМИ да (2014) халқаро семинарида, ФарПИда (2014), диссертация мавзусига оид илмий тадқиқот ишлари натижалари муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат микъёсида утказилаётган умум иқтисодий, ер ва аграр ислохотларни амалга оширишнинг мураккаб жараёнлари даврида Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини жойлаштиришда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш эҳтиёжини кучайтиради. Айнан шу маънода ер кадастри ва ер тузиш бўйича янги назарий ва амалий жихатдан ёндашувлар ер

таксимотининг амалий масалаларини ечимларида ўз исботини топганлиги кўйилган муаммонинг амалий аҳамиятини билдиради.

Ер таксимотининг тизимли ёндашувини умумдавлат миқёсидан ер кадастрининг бирламчи манбаи бўлган ер участкасигача бўлган поғоналарда ҳал этиш, маъмурий туман ҳудудида махсус ер фондини ташкил этиш масалалари ҳам бажарилган тадқиқотларни амалий аҳамиятини белгилайди.

Ишлаб чиқилган ва тавсия этилган ер мониторинги тизимини жорий этиш, ердан фойдаланишда бошқарув психологияси ва интеграцион бошқарувдаги амалий ёндашувлар, ер танқислигини «юмшатиш» буйича илмий-услубий тавсиялар, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ер таксимоти услублари, ер кадастри маълумотлари бўйича маълумотлар тизимини яратиш масалалари илмий-услубий ва амалий аҳамиятга эга. Тавсия этилган илмий ишланмалар барча ердан фойдаланувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ердан оқилона фойдаланишни бошқаришда амалий тадбиғига эга бўлиши ёндашувларнинг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Ишлаб чиқиладиган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинишидан кутилаётган натижа. Диссертация ишининг амалиётдаги аҳамияти ва натижалари шаҳар, туман ер ресурслари хизматининг мавжуд ер ажратиш тизимини аграр муносабатларга мос тарзда услубларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда малака ошириш тизимини шакллантириш ҳисобланади. Ер ажратиш жараёнида қишлоқ хўжалик устуворлигини таъминлашда ишлаб чиқилган ташкилий-иқтисодий механизмларни амалиётда тадбиқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бажарилган тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат миқёсида ўтказилаётган умумиқтисодий, ер ислохотларни амалга оширишнинг мураккаб жараёнлари даврида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш эҳтиёжини кучайтиради. Айнан шу маънода ер кадастри ва ер тузиш буйича янги назарий ва амалий жиҳатдан ёндошувлари ер таксимотининг амалий

масалаларини ечимларида ўз исботини топганлиги қўйилган муаммонинг амалий аҳамиятини билдиради.

Ер тақсимотининг тизимли ёндошувини умум давлат миқёсидан ер кадастрининг бирламчи манбаи бўлган ер участкасигача бўлган поғоналарда ҳал этиш, миллий ҳисобот таркибида ер ҳисобининг амалдаги қўллаш услублари ҳам бажарилган тадқиқотларни амалий аҳамиятини белгилайди.

Ишлаб чиқилган ва тавсия этилган ер маниторигадаги тизимини жорий этиш, ердан фойдаланиш бошқарув психологиясини амалий ёндошувлар, ер танқислигини «юмшатиш» буйича илмий-услубий тавсиялар, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ер тақсимоти услублари, ер кадастри маълумотлари банк тизимини яратиш илмий-услубий ва амалий аҳамиятга эга. Тавсия этилган илмий ишланмалар барча ердан фойдаланувчилар ишлаб чиқариш фаолиятида ердан самарали фойдаланишини бошқаришда амалий тадбиғига эга булиши ёндошувларни ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Иш ҳажми 79 бет компьютерда терилган матнидан иборат бўлиб, шу жумладан 1та расм, 2 та жадвалдан ташкил топган.

I-БОБ. ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БОШҚАРИШ

1.1. Фарғона шаҳрида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш муаммолари

Ўзбекистон Республикасида Мустақиллик йилларида Олий таълимни ислоҳқилиш борасида кенг кўламли, истикболга мўлжалланган ишлар амалга оширилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», «Таълим тўғрисидаги» қонунларнинг қабул қилиниши, Олий таълимнинг «Давлат таълим стандартлари» нинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши ҳамда, бошқа муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши олий таълим муассасаларининг моддий базасини тубдан яхшилашни, юқори малакали кадрлар тайёрлашни, уларнинг ҳар томонлама чуқур билим, тажриба ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлашни кўзда тутди.

Ҳозирги пайтда лойиҳаланаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ва иншоотларнинг меъморий ечимларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, қурилиш соҳасидаги асосий масалалар қаторига тугалланмаган қурилиш ҳажмини камайтириш, қурилиш – монтаж ишларининг сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, ишлаб – чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги самарадор машина – механизмларни қўллаш, фан ва техниканинг ютуқларини қурилишга кенг жорий этиш, малакали қурувчи мутахассислар тайёрлаш, қурилишнинг таннархини пасайтириш ва муддатларини қисқартириш кабилар киради. Мустақиллик йилларида Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқлари тобора кўркам қиёфа касб этиб, иқтисодий-ижтимоий, маънавий жиҳатдан бой ва тўқис бўлиб бораётир. Бугунги кунда шаҳарнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Кеча бу шаҳарларга келган одам бугун унинг кўчаларидаги улкан ўзгаришлар, маҳобатли, шинам иморатлар, янги саноат корхоналари, коллежлар ва мактаб биноларини кўриб, ҳайратини яшира олмайди.



1-расм. Фарғона шаҳар кўчаларини ободонлаштириш вайўллаини кенгайтириш ишларидан лавҳа.

Шаҳарда олиб борилган улкан қурилишлар, кенг ва равон кўчаларнинг барпо этилганлиги шаҳар чиройини очиб юборди.

Давлатимиз раҳбари Фарғонага ташрифи чоғида вилоят марказида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, шаҳар ривожидида шаҳарсозлик архитектураси, унинг замонавий талаблари бўйича қимматли масалаҳатлар берган эди.

Шундан келиб чиқиб, Президентнинг «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бўйича бугун шаҳарда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Фарғона Шарқ ва Ғарб шаҳарсозлигининг замонавий ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор маъмурий-маданий марказга айланиши шубҳасиз. Шаҳарнинг йўл-транспорт тизимини такомиллаштириш, унинг меъморий кўриниши, бозор инфратузилмасини янгилаш, коммунал тузилмасини реконструкция ва модернизатсия қилиш,

экологик зарарли ва аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи корхоналарни кўчириш, янги объектлар қуриш билан боғлиқ манзилий рўйхат шунга хизмат қилади.

Минг ўринли «Санъат саройи» қурилиб, сарой ва амфитеатр атрофидаги ҳудуд обод этилади, манзарали дарахтлар ўтказилиб, иккита рангли-муסיқали фаввора қурилади, йўлаклар, суғориш тизими, кичик меъморий шакллар ва ташқи ёритиш тармоғи барпо этилиб, ҳар томонлама кўркам истироҳат маскани яратилади. Мазкур кўчада лазерли шоулар ўтказиш учун жиҳозланган 500 ўринли амфитеатр бунёд этилади. Бундан ташқари, шаҳар ҳудудида яна учта рангли-муסיқали фаввора қурилади.

Аҳмад Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилинади, ҳудудни такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун яхлит ишлар қилинади, янги аттракционлар ва бошқа объектлар қурилади.

«Болалар боғи» реконструкция қилинади, ундан 11 та аттракцион, 2 та «Музқаймоқ» ва «Яхна ичимликлар» кафелари, «Есдалиқ совғалар» дўкони жой олади.

«Камолот» ЁИХ вилоят бўлими биноси реконструкция қилинади ва жиҳозланади, унинг таркибида «Ёшлар маркази» барпо этилади.

«Болажон» аквапарки такомиллаштирилади, унинг ҳудудида куз ва баҳорда фаолият кўрсатадиган аквариум ва усти ёпиқ сувли аттракционлар қурилади.

«Болажон» аквапарки ва Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғи ўртасида «Камалак» болалар ўқув маркази, болалар истироҳат боғи яратилади.

Шаҳардаги «Зиёрат», «Дўстлик», «Фарғона», «777» меҳмонхоналари реконструкция қилинади ва янги бинолар қад ростлайди.

Бош режага асосан, эски бинолар ўрнида 60 дан зиёд кўп қаватли турар-жой бинолари ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо қилинади. Мазкур қарорга мувофиқ Фарғона шаҳрида умумий узунлиги

84,8км бўлган умумфойдаланувдаги автомобил йўллари, шаҳар кўчалари ва кўприклар қуриш, қайта қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шутарика 2012-2015 йиллар давомида 17 та объектда 150,1 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Режага кўра, Фарғона шаҳри Катта халқа йўлининг 14 км қисми тўлик қуриб тугалланиши, шу билан бирга, 14 та кўприк қурилиши кўзда тутилган.

Шаҳарнинг ижтимоий тармоқларини ривожлантириш бўйича болалар боғчалари, махсус мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари капитал таъмирланади, учта янги болалар боғчаси қурилади.

Дастурда, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Жумладан, Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи учун ёпик сузиш бассейни қуриб битказилади. «Делфин» сузиш бассейни капитал таъмирланади. Спорт заллари, болалар спорт мажмуалари қад ростлайди.

Фарғона давлат университети, политехника институтининг ўқув биноси, талабалар турар-жойи капитал таъмирланади. Фарғона политехника институти учун янги спорт зали қурилади. Кичик халқа йўли ёқасида 20 минг томошабинга мўлжалланган футбол стадиони қурилади, эски стадион ўрнида шаҳар Ёшлар спорт истироҳат боғи барпо этилади. Давлат рус драма театри биносини реконструкция қилиш, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейини капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Ҳозир Кичик халқа йўли, Ёшлар саройи, шаҳар маркази, Санъат саройи, «Қувасой» кўчаси, қўйингки, барча иншоот ва объектларда иш қизғин. Архитектор, мутахассис-муҳандис, эколог, ирригатор, сифат инспектори, ҳамма-ҳамма қўлни-қўлга бериб, бир тану бир жон бўлиб шаҳарни обод этишга киришган.

Эътибор беринг, бу фикрни кўчалар кенгайиши муносабати билан уйлари олинадиган хонадон эгалари айтаяптилар. Чунки улар эртанги кун, эртанги шаҳар бундан гўзал ва файзли бўлишига ишонади.

Фарғона шаҳрида давлат ер сиёсатини муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ердан фойдаланишнинг самарадорлик мезонини ишлаб чиқиш;
- шаҳар хўжалигининг ривожланиши ва ерларни бошқариш хусусиятлари, ҳар хил тоифадаги ерларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш билан ерга бўлган ҳуқуқ муносабатларида ўзгариш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- давлат, шаҳар ва ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, ипотекали кредитлаштириш ва кўчмас мулк бозорини ривожланиши, участкаларни танловсиз ва танлов билан тақдим этилишини оптимал балансини белгилаш;
- молиявий оқимларни давлатни тартибга солиш воситаси сифатида ер ресурсларини бошқариш вазифаларини бажариш вақтида бозор фонди воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш.

Жамиятда шаҳар ерларининг роли ва вазифалари шу билан белгаланганки, ерлар инсон ҳаёт фаолиятини хилма-хил турдаги эҳтиёжларини таъминлаш учун мўлжалланган: рекреацион, маданий ва физиологик эҳтиёжларини қондириш; ҳаёт фаолиятини таъминлаш билан узвий боғланган ишлаб чиқариш фаолияти ва бевосита шулар билан боғланмаган бошқа йўналишларни таъминлаш.

Ер шаҳарда таянч фазо ва базис сифатида хизмат қилади.

Умумий кўринишда шаҳар ер ресурсларини бошқаришнинг предмети ҳаёт фаолиятининг турли хил соҳалари (йўналиш, тавсифи, технологияси ва ш.к.) учун ерлардан фойдаланиш жараёнидир. Бошқаришнинг предмети муайян хусусиятларга эга:

- хилма-хил ҳаёт фаолияти турларининг ер майдони бирлигида юқори зичлиги;
- ер хусусиятларидан фойдаланиш вақтидаги технологиялар, усулларнинг хилма-хиллиги.

Буларнинг ҳаммаси жараёнлар ва ходисаларни яратади. Бошқариш объекти-ер участкасидир, унда ер муносабатларини битта субъекти билан

ердан фойдаланиш жараёни етарлича алохидалашганлиги шаклида амалга оширилади.

Бошқаришнинг предмети хусусий кўринишда-ердан фойдаланиш жараёнидир. У шаҳар доирасида унинг аҳолисини барча хилма-хил эҳтиёжларини таъминлайди. Шунинг учун у давлат ва хокимият бошқаришининг йўналишларидан кўра ўзгача фарқланади.

Фарғона шаҳрида ерларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Ер учаскасининг ҳуқуқий мақомини ўрнатиш (мулкчилик, фойдаланиш, ижара, сервитут ва бошқалар);
- Ердан фойдаланиш жараёнининг ахборот билан таъминланиши;
- Ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг ҳудудий ташкил қилиниши;
- Ерларнинг табиий ва иқтисодий лолатида кўра улардан фойдаланиш турларини аниқлаш (кенгайтирилган фойдаланиш).

Шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғини доирасида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган давлат мулкчилигида турган ерларни умумий бошқаришни ва ўзининг ҳудудлари доирасида мулкчиликнинг махсус бошқариш ишини амалга оширадилар. Шаҳар ҳудудида умумий ва махсус бошқаришдан ташқари ер ресурсларини идоравий бошқарилиши амалга оширилади ва унинг айрим вазифалари амалга оширилади. Масалан йирик шаҳарлар ҳудудида ўз-ўзини бошқариш вазифаларини амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар ва кўмиталар орқали шаҳарда ер масалаларини ечиш пайтида алоқадорлиги бўйича:

- Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати давлат кўмитаси органлари орқали барча ерларни умумий бошқаришни, ердан фойдаланишни ташкил қилиш ва назорати бўйича қатор вазифаларни амалга оширишни;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат кўчмас мулк кўмитаси орқали табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ердан фойдаланилганлиги учун давлат назаратининг бир қисмини амалга оширилиши;

- Адлия вазирлиги органлари-ер тақсимоти ва ундан фойдаланиш бўйича низоларни ечиш ва ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш пайтида;

- Вилоятлар ва шаҳарлар маъмуриятлари-ер тоифалари ҳамда вилоят аҳамиятидаги ерларни давлат мулкчилиги объекти масалалари ечиш пайтида;

- Бошқарувчилик функциясининг бажарувчи шаҳар маъмурияти шаҳарнинг ўз ҳудудида унинг субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти унга вакил қилиб юборган бошқарувчилик вазифаларини амалга оширувчи, шаҳар маъмурияти.

Жамият ташкилотида ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, бошқариш субъектлари кўриб чиқилганда ҳар бирининг ерларини бошқаришдан мақсадлари ҳар доим ҳам мос келдавермайди. Шунинг учун шаҳарни бошқаришнинг умумий тизимини шакиллантириш пайтида ягона мақсадни ишлаб чиқиш эмас, балки бошқаришнинг мақсадлар тизимини, уларнинг поғоналари ва алоқадорлигини ишлаб чиқиш зарур. Бу кейинчалик давлатнинг умумий муомоларини ақс эттирувчи ва давлат ер сиёсатини оширувчи ягона бошқарувчилик қарорларини қарама-қаршилигидан қуттариш учун зарур.

Бунда шаҳар ҳудудидаги муассасалар, ихтисослаштирилган корхоналарнинг меъёрида ишлаб туришларини таъминлаш бош вазифа деб қаралади. Шундай қилиб, шаҳарда ер ресурсларини бошқариш, йирик минтақалар ҳудудларини бошқаришдан тубдан фарқ қилади. Фарғона шаҳрини аҳолисининг зичлиги, ижтимоий, экологик ва транспорт шароитларининг кескин ўзгариши билан боғланган. Шунинг учун бундай шароитда шаҳарлар ривожланишининг истиқбол режаларини ишлаб чиқишнинг роли янада ортади. Чунки шухарларда ердан фойдаланиш тартибидаги ҳар қандай ўзгариш режаларини амалга оширилиши натижасида ўтказилиши керак. Бундай режалар жойлашиш моделлари билан мувофиқликда янги шаҳарлар тузиш пайтида ёки шаҳарлар ўсиши муносабати билан, ёхуд табиатни муҳофаза қилиш объектларини кўриш

пайтида таркиб топган қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқиш мумкин. Шаҳар мухитини умумий такомиллаштиришни амалга ошириш зарурияти туғилганда, шаҳарлар реконструкцияси ўтказилади. Масалан, йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар келтириб чиқарган, шаҳарлар марказини қайта қуриш ёки кўчмас мулкка инвестициялар жалб қилиш учун ва транспортлар оқимини йўналишини ўзгартириш мақсадида шундай тадбирлар ишлаб чиқилади.

Маҳаллалар тузилиши сифатида шаҳар ҳудудларига тадбиқан прогнозлаштиришнинг вазифаси келажакни илмий асослашга олиб келади.

Шаҳарни ривожланишга таъсир кўрсатадиган оқимлар ва омилларни аниқлаш ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш бўйича таҳлил ўтказишни талаб қилади.

Бу талаб шаҳар ҳудудларидан фойдаланишнинг истиқбол йўналишларни шакилланишига олиб келади. У ҳозирги замон босқичида шаҳарлик ердан фойдаланувчиларнинг келгусида ердан интенсив фойдаланишнинг моделлаштиришда ифодаланади. Ердан шаҳарлар ҳудудларни ривожланишдаги ҳозирги замон вазифалари шаҳар мухитида янгича ёндашувни талаб қилади. Бунда қуйидаги вазифалар мажмуасини ажратиш мумкин:

- шаҳарда топган экстенсив ривожланишдан интенсив йўлга ўтиш ва ердан фойдаланишда шаҳарнинг оптимал структурасини тузиш. Бунда шаҳарда ердан фойдаланишнинг ҳозирги замон саноат соҳаларига қуйиладиган фан-техника ва экологик-иқтисодий талабларни ҳисобга олиш зарур;

- ер майдони бирлигига уй-жой ва қурилиш майдонларини кўпайтириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ер майдони сарфини камайтириш жараёни бўйича фан техника ютуқларини қўллаш асосида шаҳарнинг ҳудудий ички тузилишини такомиллаштириш;

- мавжуд ва келажак мақсадлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиш асосида ўсиб бораётган жамият эҳтиёжларини

қондирилишини таъминлаш билан ишлаб чиқаришга жалб қилинадиган ресурсларни умумий миқдорини камайтириш;

- транспорт йўналишларини камайтириш мақсадида ердан фойдаланишни ва саноат инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда шаҳар транспорт тармоғини оптималлаштириш;

- мажмуани оқилона ривожланишига эришиш, шаҳар ландшафти бинолари ва иншоотларини, муҳандислик коммуникацион мажмуа, ер ости иншоотлари.

Барча вазифалар мажмуасини тадбиқ этган тақдирдагина олиш мумкин. Ҳозирги замон шаҳар ҳудудларини ривожланиш прогнозини ҳисоблаб чиқиш жараёнида инсон яшайдиган муҳит фазовий-тарихий шаклланишининг замонавий тенденциялар мажмуасини ҳисобга олиш зарур. Республика ер мулк салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси юксак тараққий этган давлатлардаги шу кўрсаткичлар таққосланганда яққол сезилади. Бунда албатта ялпи ёки экин майдони бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ёки қиймати белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ушбу муоаммони албатта илм-фан, янги техник ва технологияни амалдаги жорий этилиши жараёни билан боғлиқ ҳолда ечиш зарур. Ер майдони бирлигига тўғри келадиган миллий даромадни орттиришга қуйидаги асосий сабаблар тўсқинлик қилиб келмоқда:

- халқ хўжалик мажмуида илмий тадқиқот ишларини натижаларини амалда қўллаш, фан-техника тараққиётини, янги техника ва технологияни жорий этиш ишлари давлат кўмиталари ўртасида тарқоқ ҳолда ташкил этилган;

- имий–услубий ютуқларининг амалиётидаги ҳиссасининг самарасини аниқлашда яғона тизим қабул қилинмаган;

- фан-техника тараққиётини ривожлантириш жамиятнинг ижтимоий соҳадаги ривожланишига тўлиқ мос келмайди. Натижада меҳнат, моддий техник ва ер ресурсларининг ўзаро муносиблик тамойиллари қўпол равишда бузилмоқда;

- ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган янги техника ёки технология мавжуд амалдаги кўрсаткичларга тақосланган ҳолда баҳоланади. Бу эса жаҳон стандарти даражасидан анча паст бўлган ва «янги технология»ни тезда маънавий жихатдан яроқсиз ҳолда келтиришларга сабаб бўлмоқда;

- янги техника ёки технологияни амалдаги тадбиғи ҳудудий жихатдан қўлланилади. Масалан, замонавий технология айрим хўжалик, туман вилоят ёки минтақада турли даражада ёки ҳар хил савияда қўлланилиши натижасида ундан қўйиладиган ўртача самара кўзланган мақсад даражасида бўлмайди;

- иқтисодиёт тармоқларни ўзаро ишлаб чиқариш воситаларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондирмаслик ҳолатларни мавжудлиги. Масалан оғир саноат тармоғи қишлоқ хўжалик тароғини техник ресурсларга ва ўз навбатида қишлоқ хўжалиги енгил саноатни хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминламаслик оқибатда икки уч ёки ундан кўп узилишга олиб келади;

- янги техник ва технологияларни қўлашда ҳар бир тармоқни ривожланганлик даражаси, соҳа ходимларини меҳнат кўникмалари ва уларнинг малакаси, қўлланилиш доира кенглиги ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди. Бу масалага албатта амалий тажрибага суянган ҳолда ёндашув лозим. Акс ҳолда энг замонавий компьютерлардан оддий исобкитобларда ёки ёзув машинаси сифатида қўлланилиши каби самарасиз ёндошувлар каби кўринишлар содир булади;

- иқтисодиётнинг тарққиёт даражасини белгиловчи барча асосий кўрсаткичлар ер майдони бирлига нисбатан баҳолансагина давлат ер мулк салоҳиятидан тежалган ҳолда фойдаланишга асос яратилади. Масалан, битта гишт заводи 1 м² эгалаб турган майдонда иккинчисига нисбатан 2-3 баробар кўпроқ гишт тайёрлаш мумкин. Бунда эски техника ки тезнологияни қўлаш натижасида иккинчи гишт заводи 2-3 баробар ер майдонини банд қилади ва ҳаказо.

Ердан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ тизимида ер бирлигига тўғри келадиган даромадни давлат стандартига мослигига қараб

белгиланмаган. Натижада кўплаб корхоналар ер майдонидан тежамкорлик билан фойдаланишга ўтмаяптилар. Бунда тармоқ сохаларида ер майдони бирлиги учун энг кам миқдорда маҳсулот хажми ёки қийматини давлат стандарти даражасида белгилаш яхши натижа беради.

Юқорида келтирилган умум услубий ёндашувлар ва тадбирлар албатта давлат томонидан белгиланган ва чегараланган қолпда бўлиб ягона давлат ер фондини бошқариш тадбирлари сифатида кучга эга бўлади. Ер мулк салоҳиятини бошқариш иқтисодий, ижтимоий, ташкилий технологик, ҳуқуқий ва ерларни муҳофаза қилиш каби кенг қамровли тадбирларни ўз ичига олади. Бошқариш жараёнида ер мулк салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва унинг муҳофаза қилиш мақсадида бу тадбирларни ўзаро узвий боғликлиги таъминланади.

1.2. Фарғона шаҳрида ер баҳолашнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ердан тўғри ва самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. У ўз навбатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илмий тизимини тақозо этади.

Ер – асосий бойлигимиз, бебаҳо хазинамиздир. Ерни қанча ардоқласак, ўғитга тўйдирсак, вақтида сув берсак шу қадар саҳийлик билан ҳосил беради. Аксинча, ўқувсизлик, хўжасизлик учун, аёвсиз муносибатда бўлганлик учун шафқатсиз жазолайди.

Кўп йиллик деҳқончилик тажрибаси ерни алдаб бўлмаслигидан далолат бермоқда. Ерни алдамоқчи бўлганлар аввало ўзларини алдайдилар.

Ерни алдаб бўлмайди деган сўз: ерга эгалик қилувчи ва фойдаланувчи барча хўжаликларда қаттиқ тартиб ўрнатиб, ҳар бир гектар хайдалиб, экин экиладиган майдондан, яйлов, мевали дарахтлар экилган ерлардан унумли, рационал фойдаланишини таъминлаш ва бунинг натижасида юқори ва сифатли маҳсулот етиштиришга эришиш демакдир. Бу мақсадга эришиш учун ерни муҳофаза қилиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, экин турларини

жойлаштиришда ер кадастри маълумотига (тупрокни тузилишига, майдоннинг текислигига, ер ости сувни жойлашига, ерни шўрлиги миқдорига, эрозияни таъсирига) қараб олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу талабга риоя қилинмаслик натижасида йилига кўп ҳосил йўқотилади. Масалан республикамызда йилига экиладиган пахтанинг 250-300 минг гектаридан 7-15 центнердан ҳосил олинади, бунинг натижасида хўжалик катта зарар кўради. Агар шу кам ҳосил олинаётган ерга мевали дарахт, шоли, дон экинлари экиб, агротехникасининг таъминланса юқори ҳосил олиш имконияти бор. Бу фикрни тўғрилиги Фарғона водийсининг кўп хўжаликларида синалиб кўрилган. Маълумки, деҳқонни ер боқадиган ва албатта, меҳнат қиладиган деҳқон учун ернинг ҳолати, тупроқнинг сифати, ернинг паст баландлиги, чегаралари ва ер участкасининг ҳуқуқий тарғиботи, унинг баҳосини билиш ўта зарур.

Ер кадастри деҳқонга экин майдонларининг ўлчамлари ва уларнинг тузилиши, моддий харажатларни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, унинг таннарҳини, даромадини, агротехника танлашни, ўғитлаш тизимини, экин майдонларини жойлаштиришда ёрдам беради. Тупроқ бонитетини аниқлаш ер участкасига солинадиган солиқ миқдорини, шунингдек, уни иқтисодий жиҳатдан кадастри имконини берадики, бу ўз навбатида асосли миқдорлардаги кредитлар олиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлисининг 2003 йил учун ўн учинчи сессиясида қилган марузасида «Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унитмаслигимиз керак: қишлоқ хўжалигининг унимдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, барчамиз яхши тушинамыз, бу соҳанинг таъсири бутун иқтисодиётимизда сезилади ва керак бўлса, шу соҳага алоқадор бўлган барча-барча тармоқларни иш билан таъминлайди. Бу эса охир оқибатда бутун иқтисодиётимизнинг ўсиш суратларини белгилайди» деди 1.

Шуни назарда тутиш керакки, ер кадастри умумий давлат хужжати бўлиб, халқ хўжалигини ер тўғрисидаги керакли тўлиқ ахборот билан таъминлаши лозим.

Бу талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги вақтда ер кадастри хужжатлари ёрдамида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш назарда тутилган:

1. Аниқ тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни режалаштириш ва экин майдонларини карта асосида жойлаштириш.

2. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилни маъмурий вилоят, туман ва хўжаликлар бўйича режалаштириш.

3. Тупроқ сифатини ҳисобга олган ҳолда ер солиғи ва ижара ҳақи миқдорларини белгилаш.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат харид нархларини янада такомиллаштириш.

5. Ер турларини иқтисодий кадастрини ва уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган турли қурилишларга ажратишни асослаш.

6. Ер ресурсларидаги салбий жараёнларни аниқлаш ва уларни мумкин қадар камайтириш ва бошқалар.

Бу маълумотларни ер кадастрини юритиш таркибига кирувчи топографик, геодезик, картографик, тупроқ, агрохимё, геоботаник жиҳатларидан ва бошқа йўналишлар бўйича текшириш, қидирув-изланишлар олиб бориш, ер майдонларини турлари бўйича ҳисоботини олиб бориш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларини, ердан фойдаланувчиларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш йўли билан таъминланиши мумкин.

Ер кадастри маълумоти ердан унумли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга асосланган ҳолда, барча қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда, экинларни турларга бўлишда ерни мелиорациясида, шунингдек бошқа ер ресурслари муносабатларига боғлиқ бўлган тадбирларда фойдаланилиши зарур.

Ернинг иқтисодий ёки фойдали унумдорлиги фақат тупроқни табиий сифатига қарабгина эмас, балки инсонни иштирокида эришилган хусусияти билан белгиланади. Бу унумдорлик умумий кўринишда ўсимликни ўсиши ва рифожланиши кўринишида қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлиги даражаси билан белгиланади. Шунинг учун иқтисодий унумдорлик фақат тупроқни унумдорлиги билан белгиланмасдан, бошқа мураккаб об-ҳаво, техника ва ишлаб чиқаришдаги умумий иқтисодий жараёнлар орқали белгиланиши зарур.

Республика қишлоқ хўжалик экинларини фақат ер кадастри ҳужжатлари асосида ҳар бир хўжалик майдонларида эмас, балки уларни контурлари бўйича бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу экин турларини қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича конкрет ер шароитига қараб жойлаштиришга имкон беради.

Бу кўйилган талабга эришиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган тупроқ текшириш натижаларида ернинг агротупроқ қиймати ва агротехника тавсияномалари, яйлов ва пичанзорларни геоботаник текширишларда яйловнинг озучабоплиги (озуқа турлари), ундан имкон борича кенг фойдаланиш муддатлари (чунки фақат флора билан яйловнинг озучабоплик муддатлари белгиланмайди), шунингдек, пичанзорларнинг ҳосилдорлиги ва сифати ҳақидаги маълумотларини аниқланиши зарур.

Бундай ҳисобот бўйича берилаётган юқоридаги маълумотлар баъзи бир умумий мулоҳазалар ва ер қийматини солиштириш, шу билан бирга ер фонди икки томонлама бир-бирига алоқадорлиги, лекин баъзи ҳолларда географияси, миқдори ва имкониятларининг хилма-хиллиги ҳақида тўғри фикр беради.

Доимий ердан фойдаланувчиларга (ер эгаларига) улар учун ажратилган ер майдонлари билан алоқадор картографик маълумотлар, тупроқ, об-ҳаво, геоботаник, агрокимёвий, мелиоратив ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар тайёр бўлиши керак. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кундалик ва келажак

режаларини ишлаб чиқаришда қўллашда фақат ер тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотлар бўйича турли лойиҳалар тузиш мумкин.

Ер тўғрисидаги сифатли маълумотларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: давлат эҳтиёжлари учун (солик, умумий режалар); ердан фойдаланувчилар учун (ер эгалари) - хўжалик юритиш учун барча ер майдонлари ҳақида ҳолис ва ҳар томонлама аниқ маълумот, ҳозирги ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар билан таъминлаш. Шунинг учун эгалик қилиш ва фойдаланишга берилган ерлар ҳолати ва қиймати тўғрисидаги маълумотлар тўла бўлиши улардан ишлаб чиқаришда оқилона фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Бунга тупроқ, агроиқлимий, геоботаник, мелиоратив текшириш ва съёмка қилиш натижасида эришилади.

Шундан келиб чиқиб, ер солиғи олиш мақсадида ерни кадастри даражалари бўйича юритилиши, ердан фойдаланувчилар, ерга эгалик қилувчилар (ер эгалари) ўз эҳтиёжлари учун бутун тупроқ ва геоботаник карта материаллари, ердан фойдаланиш режалари, агрокимёвий ва тупроқ-мелиоратив кадастри материаллари ва ҳоказолар тўлиқ тўпламидан фойдаланиш зарур.

Ер масалаларини тадқиқ қила бориб, биз Ўзбекистоннинг жами ер фондидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилиш, республика ер ресурсларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тадбирларини ишлаб чиқиш заруратини ҳисобга олган ҳолда табиати, табиий-тарихий ва иқтисодий шарт-шароитлар, ерни қайта тиклашнинг аҳволи ва ривожланишини тўлиқ ёритиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида ер энг муҳим, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган ва инсон ҳаёт кечириши учун ишлаб чиқариш воситаси сифатида мутлақо зарурийдир, шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Ундан режали ва оқилона фойдаланиш жамият иқтисодиётида, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқ ўсимлик учун яшаш жойи вазифасини бажарувчи муҳим воситагина эмас, балки асосий озукланиш манбаи ҳамдир. Ўсимликнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосилдорлиги ҳам тупроқ унумдорлигига боғлиқ.

Тупроқ унумдорлиги доим бир даражада бўлмайди: у қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришни яхшилаш ва уларни тўғри парвариш қилиш натижасида ортиши ёки аксинча, деҳқончилик оқилона олиб борилмаса, пасайиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг алоҳида воситаси бўлган ер ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларидан кескин фарқ қиладиган бир қатор махсус хоссаларга эга. Асосий фарқлар қуйидагилар билан белгиланади:

Демак, ер айна вақтда жамият тараққиётида эришган ишлаб чиқариш даражаси жараёнида фаолият кўрсатса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситаси бўлади. Агар инсоният ривожланишининг муайян босқичида ҳозирги, «яроқсиз ерлар»дан янада унумлироқ фойдаланишни ўрганмаган бўлса, бу ҳали бундай ерлар қишлоқ хўжалигида мутлақо кераксиз, дегани эмас.

Инсоният ўз тараққиётида ерни янада кўпроқ унинг ишлаб чиқариш хоссаларини ошириб, умумий меҳнат шароитидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш воситасига айлантиради.

Деҳқончилик учун яроқсиз ерлар ҳақида тушунча тездан ўзгариши мумкин, яъни «яроқсиз ерлар» шартли тушунча бўлиб, техниканинг муайян тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ва ишлаб чиқариш муносабатларининг муайян даражасига, ишлаб чиқаришнинг мазкур усулига мос келади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш зарурки, кўзда тутилаётган ер ислохати умумдавлат миқёсида ўтказилишини хис қилган ҳолда бу тадбирларга қонун тусини беришни давр талаби ва бозор иқтисодиётига йирик иқтисодий ижтимоий ва экологик талофатларсиз ўтишини таъминлайди деб ҳисоблаймиз. Мустақил республикамизнинг ягона ер мулк салоҳиятини

тўғри бошқариш иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ернинг иқтисодий –ижтимоий боғлиқлиги ҳамда унинг табиий ресурс сифатида ўзига хослиги билан фарқланади.

Бугунги кунда яхлит мажмуага эга бўлган мустақил мамалактимиз иқтисодиёти ўзининг бутун таркибий қисми, яъни иқтисодий минтақалар ва тармоқлараро комплекслар ўзаро муносиб ҳамда мувозанатли тарзда ривожланишни тақозо этмоқда. Айни пайта давлатимизда иқтисодиёт тармоқларининг узвий боғлиқлиги маълум даражада шакилланган бўлиб, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жихатдан шу муносибликдаги жамиятини тараққиёт талабига боғлиқ бўлади. Лекин тараққиётнинг жадаллик усули устун бўлиб қолаётган ҳозирги шароитда алоҳида олинган тармоқ ва тармоқлараро муассасалараро, маъмурий оргонлар ҳамда хўжалик идораларининг тармоқ ичидаги ва тармоқлараро муносабатлари тизимида чигалликларни мавжудлиги эътироф этишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

II БОБ. ФАРҒОНА ШАҲРИНИНГ ТАБИИЙ, ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ХУДУДИДА КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Фарғона шаҳрининг табиий ва иқтисодий шароитлари тўғрисида маълумот

Фарғона вилояти фойдаланишидаги умумий ер майдони 700,4 минг гектар бўлиб, маъмурий чегараси 675,9 минг гектарни ташкил этади. Бундан ташқари Наманган вилоятида жами 25,2 минг гектар (шундан 14,8 минг гектар яйлов) фойдаланишимизда бўлиб, вилоятимизнинг Данғара тумани худудида Наманган вилояти фойдаланишида 0,6 минг гектар ер майдонлари мавжуд.

Фарғона вилоятининг умумий чегара узунлиги 565,24 км, шундан Тожикистон Республикаси билан 138 км, Қирғизистон Республикаси билан 427,24 км ташкил этади.

Вилоятнинг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шохимардон ва Ёрдон қишлоқларига Қирғизистон Республикаси худуди орқали ўтилади.

“Фарғона” сўзи илк ўрта асрларда Сўғд ёзуви билан “Паргана”, “Прагана” шаклида ёзилганлиги фараз қилинади. Бу сўз хинд-санскрит тилида “кичик вилоят”, “атрофи берк тоғли жой” деган маноларни билдиради. Қадимий ёзма манбаларда Фарғона эрамиздан аввалги II асрда “Довон” деб тилга олинган бўлса, илк ўрта асрларда “Бохан”, “Боханна” номлари билан қайд этилган.

Вилоятда нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ривожланган.

Вилоят қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, узумчилик ривожланган бўлиб, иш билан банд аҳолининг 28 фоизи шу соҳаларда меҳнат қилади.

Вилоятнинг географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги азотли ва фосфорли ўғитлар, нефт

махсулотлари, енгил саноат, хусусан, тўқимачилик ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун қулайдир.

Марказий Фарғона чўлларидаги қум ва қум-тош ресурслари ойна ишлаб чиқариш саноати учун муҳим хом-ашё ҳисобланади.

Қувасой, Чимён, Шўрсув, Сўх, Шохимардон тоғ ва қирларида охактош, Шохимардон, Сўх, Қувасой, Ёрдон қишлоғида мрамор ресурслари мавжуд бўлиб, асосан хайкалтарошлик, қимматбаҳо тошлар ишлаб чиқариш ва қурилишда ишлатилади.

Фарғона худудида бронза ойнақлар, тангалар, ипак матолар, темир қуроллар пайдо бўлиши, эрамиз бошларида наслдор отлар, туялар, майда чорва ҳайвонларининг етиштирилиши, қимматбаҳо металлларнинг мўллиги, узум, пахта, буғдой, маккажўхори, шоли ва бошқа экинларнинг ўстирилиши бутун дунёга маълум бўлган.

Фарғона вилоятида 50 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб келмоқда.

Бугунги кунда вилоят худудида 136 та меоморий, 104 та археологик ёдгорлик мавжуд. Ёдгорликларнинг кўп қисми Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Қува, Риштон, Бувайда, Фарғона туманлари худудида жойлашган.

Маркази Фарғона шаҳри. Фарғона шаҳри фойдаланишидаги умумий ер майдони **10246** гектар бўлиб, маъмурий чегараси **9472** гектарни ташкил этади. Бундан ташқари Қўштепа, Фарғона туманлари **33** гектар шаҳар ер майдонларидан фойдаланилади.

Шаҳарда нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ривожланган.

Шаҳар қишлоқ хўжалигида ғаллачиликдан ташқари, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ривожланган.

Шаҳарнинг географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги азотли ва фосфорли ўғитлар, нефт

маҳсулотлари, енгил саноат, хусусан, тўқимачилик ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун қулайдир.

Фарғона шаҳрида 3 та агрофирма мавжуд бўлиб, улар “Фарғона Бахайр” агрофирмаси, “Умид нигоҳи” агрофирмаси, “Шодиёна Нигоҳи” агрофирмаларидир.

Фарғона шаҳрининг жами фойдаланишидаги умумий ер майдони 10246 гектар:

Шундан:

- суғориладиган экин ер майдонлари 1758 гектар, боғзорлар 685 гектар, узумзорлар 11 гектар, тутзорлар 8 гектар, бошқа мевали кўчатзорлар 6 гектар,

- мелиоратив ҳолати оғир ерлар 15 гектар, ўрмонзорлар 173 гектар, боғ ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари 51 гектар,

- аҳоли томорқа ерлари 1775 гектар, сув ости ерлари, канал, колектор ва зовурлар ўрни 474 гектар,

- йўл, сўқмоқ ва чорва йўллари 503 гектар,

- ижтимоий ховли кўча ва майдон йўллари 1361 гектар,

- ижтимоий бинолар ўрни 1311 гектар,

- бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 2115 гектарни

ташкил этади.

Жумладан: Шаҳарнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини умумий ер майдони 4421 гектар:

Шундан:

- суғориладиган экин ер майдонлари 1716 гектар, боғзорлар 601 гектар, узумзорлар 11 гектар, тутзорлар 8 гектар, ўрмонзорлар 7 гектар,

- аҳоли томорқа ерлари 960 гектар,

- сув ости ерлари, канал, колектор ва зовурлар ўрни 274 гектар, йўл, сўқмоқ ва чорва йўллари 261 гектар,

- ижтимоий ховли кўча ва майдон йўллари 77 гектар,

- ижтимоий бинолар ўрни 93 гектар,

- бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 413 гектарни ташкил этади. *(Жадваллар кўринишида илова қилинади)*

Шаҳарнинг ер фонди тоифалари бўйича

- Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар -4421 гектар
- Аҳоли яшаш жойлари ерлари -4390 гектар
- Саноат, транспорт, мудофа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар -124 гектар
- Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар - 614 гектар
- Ўрмон фонди ерлари - 158 гектар
- Гидротехника ва бошқа сув хўжалик иншоотлари ҳамда канал бўйидаги ерлар - 99 гектар
- Захира ерлари - 440 гектар

Жами: 10246 гектар

Шаҳарнинг ўртача балл бонитети 63 балл.

Шаҳар бўйича **жами 1716** гектар экин ер майдонига 2012 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фермер хўжаликлари кесимида жойлаштириш ишлари амалга оширилган,

Жумладан:

- 950 гектар ер майдонига бошоқли дон,
- 95 гектарига макка дон,
- 126 гектар помидор,
- 3 гектар пиёз,
- 30 гектар сабзи,
- 49 гектар карам,
- 102 гектар бошқа сабзаворт экинлари,
- 61 гектар картошка,
- 17 гектар полиз,
- 46 гектар эски беда,

- 74 гектар макка силос,
- 93 гектар мойли экинлар,
- 71 гектар бошқа чорва озуқа экинлари жойлаштирилган.

Фарғона шаҳрида жами 66 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 2613 гектар, шундан 1716 гектар экин ер майдони, 601 гектар боғзорлар, 11 гектар узумзор, 8 гектар тутзор, 7 гектар ўрмонзор, 79 гектар сув ости ерлари, 45 гектар йўллар ўрни, 38 гектар қурилиш банд ерлар, 109 гектар бошқа ерларни ташкил қилади.

Жумладан:

- **сабзавот-ғаллачилик йўналишида** 35 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 1863 гектар, шундан 1469 гектар экин ер майдони, 173 гектар боғзорлар, 5 гектар узумзор, 4 гектар тутзор, 6 гектар ўрмонзор, 64 гектар сув ости ерлари, 33 гектар йўллар ўрни, 22 гектар қурилиш банд ерлар, 87 гектар бошқа ерлар,

- **боғдорчилик йўналишида** 27 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 704 гектар, шундан 223 гектар экин ер майдони, 418 гектар боғзорлар, 6 гектар узумзор, 4 гектар тутзор, 1 гектар ўрмонзор, 14 гектар сув ости ерлари, 11 гектар йўллар ўрни, 8 гектар қурилиш банд ерлар, 20 гектар бошқа ерлар,

- **паррандачилик йўналишида** 2 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 30 гектар, шундан 23 гектар экин ер майдони, 1 гектар боғзорлар, 5 гектар қурилиш банд ерлар,

- **асаларичилик йўналишида** 1 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 13 гектар, шундан 9 гектар боғзорлар, 3 гектар қурилиш банд ерлар, 1 гектар бошқа ерлар,

- **балиқчилик йўналишида** 1 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 3 гектар, шундан 2 гектар экин ер майдони, 1 гектар сув ости ерларини ташкил қилади.

Фарғона шаҳрининг 2012 йил 1 январ ҳолати тўғрисида ер ҳисоботини тузиш бўйича қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

2.2. Фарғона шаҳри бўйича савдо, маиший хизмат корхоналарини жойлаштириш

1. Худудларнинг ердан фойдаланувчилари ер экспликациясини тузишда ундаги маълумотларни аниқ ва тўғрилигига, яъни:

- Ердан фойдаланувчиларнинг ер экспликацияси ҳисобот йилининг 1 январ ҳолати бўйича фаолият кўрсатаётган барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачилар бўйича Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туманлар ҳокимларининг белгиланган тартибда қарорлари билан тасдиқланган маълумотларга асосан тўлдирилади. Ер экспликациясини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачиларнинг номи(юримдик номи) ва ер майдони, ер тури, кадастр рақами аниқ бўлишига;

(Ўтган йилларда тузилган экспликациядаги ҳар бир сатр бўйича ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг номланиши қайтадан кўриб чиқилади ва аниқлик киритилади ҳамда аниқланган барча янги расмийлаштирилган номлар қисқартирилмасдан тўлиқлигича экспликацияга ёзилади. Ўзгариш турлари ва асослари экспликацияга илова қилинадиган жадвалга тўлиқ тушириб чиқилади ва экспликация билан биргаликда топширилади. Кейинги йилларда жорий ўзгаришлар экспликацияга киритиб борилади).

- ҳолати ёмон ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни аниқ бўлишига; (Хатлов натижаларига кўра ҳар бир ердан фойдаланувчи кесимида асосланган ҳолда тегишли шаҳар, вилоят ҳокимлари қарорлари асосида)

- мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ер майдонларига аниқлик киритишга; (Хатлов натижаларига асосланган ҳолда).

- томорқа ер участкаларини сони ва майдони аниқ бўлишига; (Хўжалик (оила)лар сони, далалардаги оилалар сони, умумий ер майдони, шундан далалардаги ерлар майдони, экин ерлари, шундан даладаги экин ерлари, боғлар ва бошқа мевали дарахтзорлар ерлари ҳамда иморатлар ва иншоатлар, ижтимоий ховлилар билан банд ерлар аниқ бўлиши лозим. Солиқ

идораларига тақдим этилган маълумотлар бўйича солиштирма далолатномалар илова қилиниши лозим);

- аҳоли пунктлари ерларига аниқлик киритишга: аҳоли яшаш жойларида мавжуд бўлган умумий овқатланиш шаҳобчаларининг ерлари, савдо корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ва бошқа ерлар ер фонди тоифалари бўйича тақсимланиш лозим. (аҳоли пунктлари ерлари, бу тоифадаги ерларга шаҳар ва шаҳарчалар маъмурий чегараларида бўлган ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланаётган ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киради. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ўрмон хўжалиги корхоналари, саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудидаги мавжуд аҳоли яшаш пунктлари ерлари улар жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар ерлари таркиби ҳисобга олинади).

Аҳоли пунктлари ерлари таркибидаги барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачиларнинг номи(юримдик номи) ва ер майдони, ер тури, кадастр рақами, шаҳар ва шаҳар туридаги посёлкалар сони ва майдони аниқ кўрсатилган бўлиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 68-сонли қарорига асосан шаҳар посёлкалари тоифасига ўтказилган қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараларини ҳамда ер турлари бўйича майдонларини аниқлаб, 2012 йил 1 январ ҳолатига бўлган ер ҳисоботида ўзгартириш киритиш.

- ўрмон хўжалиги корхоналари ер майдонлари ва ер турларига аниқлик киритиш; (ўрмон хўжалиги корхоналари маълумотларини таҳлил қилган ҳолда тўлдириш;)

- ўрмонзорлар билан қопланган майдонлар шу жумладан, ихота дарахтзорлари, яъни далаларни сув ва шамол эрозиясидан муҳофазалашга

мўлжалланган дарахтзорлар эгаллаган ерлар, теракзорлар майдонларига аниқлик киритиш.

- ижтимоий бинолар тўғрисидаги маълумотлар аниқ бўлиши;

- фаолият кўрсатаётган боғдорчилик-узумчилик ширкатларини (СВТ-дачалар) ер майдони ҳамда аниқ рўйхати бўлишига эҳтибор бериш керак.

Худудий “Ермулккадастр” ДУКлар, “Ўздаверлойиха” институти ва унинг филиал ва бўлинмалари томонидан йил давомида жойларда бажарилган ишлардан (ўтказилган хатлов натижалари, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари, ер танлаш ва ажратиш, бошқа ҳужжатлардан) фойдаланган ҳолда ердан фойдаланувчиларнинг ер экспликациясига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

2. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳақидаги маълумотларга (хар бир ердан фойдаланувчилар кесимида (фермер хўжаликлари бўйича) ўтказилган хатлов натижасида аниқланган янги ўзлаштирилган ерлар (8-шакл) шаҳар ва вилоят ҳокимлари қарори асосида) аниқлик киритиш.

3. Хўжалик ички қурилишларига ва томорқага ажратилган ер майдонлари тўғрисидаги ҳисобот (14-шакл); (Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларидан ички қурилишлар учун ер ажратиш фақат вилоят ҳокимларининг тегишли қарорига асосан амалга оширилади). Бунда ер ажратиш мақсади, ер тури ва ердан фойдаланувчилар аниқ кўрсатилиши зарур.

(14-шаклда ички хўжалик қурилишларига (мактаб, идора, омборхона, ферма биноси, ички ариқ, каналлар, йўллар) ҳисобот йилида тегишли ваколат доирасида вилоят ҳокимларининг тегишли қарорлари асосида ажратилган ер майдонлари ҳисоб қилинади.)

4. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун корхона, муассаса, идора ва ташкилотларга йил давомида ажратилган ер участкалари тўғрисида ҳисобот (18-шакл ва унга 1,2 иловалар) Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари фақат вилоят ҳокимларининг тегишли қарорлари асосида ер танлаш ва ажратиш мақсади, ер тури ва ердан фойдаланувчилар номи аниқ

кўрсатилиши ҳамда (алоҳида қимматга эга суғориладиган ерлар бундан мустасно) белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган ҳолда шаклга тегишли расмий ҳужжатлар билан тақдим этилиши лозим.

5. Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари тўғрисида (21-шакл)ги маълумотлар:

Фаолият кўрсатаётган турли корхона ва ташкилотларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ажратиб берилган ер майдонлари ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари ҳақидаги маълумотлар ҳисоботнинг 21-шаклда ёритилади.

Шаҳарда ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этилиши ёки аксинча, тугатилиши шаҳар, вилоят ҳокимликларининг зарурият бўлганда республика ҳукуматининг тегишли қарорлари билан асосланади.

6. Боғдорчилик ва сабзовотчилик уюшмалари номи ҳамда ер майдонлари (20-шакл):

Боғдорчилик ва сабзовотчилик уюшмаларининг ерлари тўғрисидаги маълумотларда, мавжуд боғдорчилик ва сабзовотчилик уюшмаларнинг ерлари ва ҳисобот йилида ташкил этилган боғдорчилик ва сабзовотчилик уюшмалари номи ҳамда ерлари ҳисобга олинади. Ҳисоботни тўлдириш учун асос бўлиб вилоят, шаҳар ҳокимларининг ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари ҳисобланади.

7. Мавжуд фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларга:

Мавжуд фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобот йилининг 1 январ ҳолатига ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ер экспликациясининг ер турлари устунларига биноан ҳар бир массив (ширкат хўжалиги) бўйича алоҳида-алоҳида тузилиб, йиғиндиси жамланиб, ҳисобот йилининг 1 январ ҳолатига мавжуд фермер хўжаликлари тўғрисида маълумот тузилади.

Фермер хўжаликларида йил давомида юз берган миқдор ўзгаришлар шаҳар ёки вилоят ҳокимларининг қарорлари асосида аниқланади ва белгиланган шаклга туширилади.(шакллар илова қилинади)

8. Кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг ўзгаришлари тўғрисида маълумот(кўп йиллик дарахтзорларни бузилиши ва экилиши)лар:

Кўп йиллик дарахтзорларни ўзгариши тўғрисида маълумот ўтган йилнинг 1 январидан ҳисобот йилининг 1 январигача кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг ўзгаришларни ўз ичига олади.

Ҳисобот йилида янги боғ, токзор, тутзор ҳамда бошқа мевали кўчатзорлар экиш ва бузиш ҳисобига бўладиган ўзгаришлар кўрсатилади, барча ўзгаришлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, тегишли ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланади.

Ушбу ҳужжатда кўп йиллик дарахтзорларнинг суғориладиган ер майдонлари ҳамда лалми ерлар майдонлари бўйича маълумот алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

9. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар майдонига аниқлик киритиш: (ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачиларнинг юридик номи ва ер майдони, кадастр рақами экин ер, кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган майдонларга аниқлик киритилиши лозим).

10. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга аниқлик киритиш: (Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерларга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий-даволаш омилларига эга бўлган, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм мақсадларида фойдаланадиган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар майдонининг асосий қисмини кўриқхоналар ва миллий боғлар эгаллайди).

Ушбу тоифадаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачиларнинг юридик номи ва ер майдони ҳамда кадастр рақами аниқ киритилиши лозим.

11. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга аниқлик киритиш: (Тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар алоҳида тарзда ҳисобга олинади. Тарихий-маданий мақсадларда фойдаланадиган ерларга тарихий

маданий ёдгорликлар жойлашган кўриқхоналар, мемориал боғлар, кабристонлар, археология ва тарихий ёдгорликларнинг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.) Ушбу тоифадаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачиларнинг юридик номи ва ер майдони ҳамда кадастр рақами аниқ киритилиши лозим.

12. Ўрмон фонди ерлари (экин ер, кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган майдонлар)га аниқлик киритиш:

Ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар киради. Қишлоқ хўжалик корхоналарига узоқ муддатли ижарага берилган ерлар ва шаҳар худудидаги бундай ерлар бундан мустасно. Шу жумладан: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли ўрмон хўжаликларининг ерларига ;

- табиатни муҳофаза қилиш учун ажратилган ерларга;
- жами кўриқхоналар сони ва эгаллаган ер майдонларига;

Ушбу тоифадаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ижарачиларнинг юридик номи ва ер майдони ҳамда кадастр рақами аниқ киритилиши лозим.

13. Заҳира ерларга аниқлик киритиш:

Заҳира ерларга -эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижара мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ҳамда бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган барча (шу жумладан, сув ости) ерлар киради. Заҳира фондидаги қишлоқ хўжалик ер турларига батафсил таҳлил қилиш керак.

14. Шаҳар, вилоят, республика маъмурий чегарасидан ташқарида фойдаланиладиган ҳамда бошқа шаҳар, вилоят, республикалар фойдаланадиган ерлар экспликацияси аниқлик киритиш:

(Шаҳар, вилоят, республика маъмурий чегарасидан ташқарида фойдаланадиган ҳамда бошқа шаҳар, вилоят, республикалар фойдаланадиган ерлар экспликациясида ҳисобот йилида шаҳарнинг корхона ва ташкилотлари

томонидан бошқа туман, вилоят ва бошқа республикалар маъмурий чегарасида фойдаланадиган ер майдонлари, шунингдек шаҳар маъмурий чегарасида бошқа туман, вилоят, республикалар корхона ва ташкилотлари томонидан фойдаланадиган ерлар кўрсатилади).

Умумий ер майдони ва ер турлари бўйича чегарадош ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқарма(бўлим)лари билан келишилган ҳамда тасдиқланган бўлиши зарур.

15. Навбатчи хариталарга ҳисобот даврида барча чегара ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда киритилган ўзгаришларга:

Шаҳар навбатчи кадастр харитаси ҳисобот йилининг 1 январ ҳолатига, жорий йилда бўлган барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг чегара ўзгаришларини харита масштабига қараб аниқ туширилган ҳолда ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан кўмита томонидан тасдиқланган “Туман навбатчи кадастр харитасини юритиш тўғрисидаги кўлланма”га асосан тузилади ва юқорида қайд қилинган ҳисобот билан бирга топширилади.

16. Ердан фойдаланиш схемасига: ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар рўйхатига аниқлик киритишга;

Ердан фойдаланиш схемаси ҳисобот йилининг 1 январ ҳолатига ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан тузилади. Унда қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари, йирик ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларининг номлари ва чегаралари кўрсатилган (туширилган) ҳолда тузилади. Хўжаликларнинг ихтисослиги бўйича бўялади. Схематик харита билан бирга мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг рўйхати илова қилинади.

17. Ер ҳисоботи (баланси) га тушунтириш хати батафсил бўлишига эътибор бериш лозим;

Тушунтириш хати ер ҳисоботи(баланси)нинг матн қисми ҳисобланади.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги, «Давлат кадастрлари

тўғрисида»ги Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги 543-сонли қарорини амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги ёритилади.

Йиллик ер ҳисоботи (баланси)га тушунтириш хатида йил давомида ер муносабатларини тартибга солишга оид бўлган:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши;

- шаҳарда қишлоқ хўжалик ер турларининг оборотидан чиқиб қолишига йўл қўймаслик бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ижроси;

- ер ҳисоботи(баланси) қайси манбаларга асосланиб тузилганлиги;

- ер ҳисоботи(баланси)да кўрсатилган ўрмон хўжалиги тўғрисидаги маълумотни ҳудудий ўрмон хўжалиги корхона ва ташкилотлари маълумотлари билан таққослаб кўриш ва фарқ қилган тақдирда тўлиқ тушунча бериш талаб қилинади.

Тушунтириш хатида, ердан фойдаланувчиларнинг умумий майдонлари ҳамда ҳудуддаги ўзгаришларни таҳлил қилишга алоҳида аҳамият берилади.

Бундай ўзгаришларнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда махсус жадваллар келтириш, асосларни эса маъмурий чегараларининг ўзгариши тўғрисидаги қарорларини келтирилган ҳолда ёзма равишда тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

Матнда қишлоқ хўжалик корхоналари ерларидан фойдаланиш масалалари кенг ёритилади. Қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар бир гектаридан тўлиқ ва талабга мувофиқ фойдаланишни амалга ошириш бўйича қандай тадбирлар ўтказилганлиги, майдонларда сув, тупроқ эрозиясига қарши кураш, пичанзор ва яйловларни тубдан яхшилаш бўйича бажарилган ишлар тўлиқ қайд қилинади.

Фарғона шаҳри фойдаланишидаги умумий ер майдони 10246 гектар бўлиб, маъмурий чегараси 9472 гектарни ташкил этади. Бундан ташқари

Қўштепа, Фарғона туманлари 33 гектар шаҳар ер майдонларидан фойдаланилади.

Шаҳарда нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ривожланган.

Шаҳар қишлоқ хўжалигида ғаллачиликдан ташқари, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ривожланган.

Шаҳарнинг географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги азотли ва фосфорли ўғитлар, нефт маҳсулотлари, енгил саноат, хусусан, тўқимачилик ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун қулайдир.

Фарғона шаҳрида 3 та агрофирма мавжуд бўлиб, улар “Фарғона Бахайр” агрофирмаси, “Умид нигоҳи” агрофирмаси, “Шодиёна Нигоҳи” агрофирмаларидир.

Фарғона шаҳрининг жами фойдаланишидаги умумий ер майдони 10246 гектар: Шундан: суғориладиган экин ер майдонлари 1758 гектар, боғзорлар 685 гектар, узумзорлар 11 гектар, тутзорлар 8 гектар, бошқа мевали кўчатзорлар 6 гектар, мелиоратив ҳолати оғир ерлар 15 гектар, ўрмонзорлар 173 гектар, боғ ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари 51 гектар, аҳоли томорқа ерлари 1775 гектар, сув ости ерлари, канал, колектор ва зовурлар ўрни 474 гектар, йўл, сўқмоқ ва чорва йўллари 503 гектар, ижтимоий ховли кўча ва майдон йўллари 1361 гектар, ижтимоий бинолар ўрни 1311 гектар, бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 2115 гектарни ташкил этади.

Жумладан: Шаҳарнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини умумий ер майдони 4421 гектар:

Шундан: суғориладиган экин ер майдонлари 1716 гектар, боғзорлар 601 гектар, узумзорлар 11 гектар, тутзорлар 8 гектар, ўрмонзорлар 7 гектар, аҳоли томорқа ерлари 960 гектар, сув ости ерлари, канал, колектор ва зовурлар ўрни 274 гектар, йўл, сўқмоқ ва чорва йўллари 261 гектар, ижтимоий ховли кўча ва майдон йўллари 77 гектар, ижтимоий бинолар ўрни

93 гектар, бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 413 гектарни ташкил этади.

1-жадвал

Шаҳарнинг ер фонди тоифалари бўйича

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Жами майдон	
		Га	Фоиз
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	4421	43.1
2	Аҳоли яшаш жойлари ерлари	4390	42.8
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар	124	1.21
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерлар	614	5.99
5	Гидротехника ва бошқа сув хўжалик иншоотлари ҳамда канал бўйидаги ерлар	99	0.97
6	Ўрмон фонди ерлари	158	1.54
7	Захира ерлар	440	4.29
	Жами ерлар:	10246	100
Шаҳарнинг ўртача балл бонитети 63 балл			

Шаҳар бўйича **жами 1716** гектар экин ер майдонига 2012 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фермер хўжаликлари кесимида жойлаштириш ишлари амалга оширилган,

Жумладан: 950 гектар ер майдонига бошоқли дон, 95 гектарига макка дон, 126 гектар помидор, 3 гектар пиёз, 30 гектар сабзи, 49 гектар карам, 102 гектар бошқа сабзаворт экинлари, 61 гектар картошка, 17 гектар полиз, 46

гектар эски беда, 74 гектар макка силос, 93 гектар мойли экинлар. 71 гектар бошқа чорва озука экинлари жойлаштирилган.

Фарғона шаҳрида жами 66 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 2613 гектар, шундан 1716 гектар экин ер майдони, 601 гектар боғзорлар, 11 гектар узумзор, 8 гектар тутзор, 7 гектар ўрмонзор, 79 гектар сув ости ерлари, 45 гектар йўллар ўрни, 38 гектар қурилиш банд ерлар, 109 гектар бошқа ерларни ташкил қилади.

Жумладан:

- сабзаёт-ғаллачилик йўналишида 35 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 1863 гектар, шундан 1469 гектар экин ер майдони, 173 гектар боғзорлар, 5 гектар узумзор, 4 гектар тутзор, 6 гектар ўрмонзор, 64 гектар сув ости ерлари, 33 гектар йўллар ўрни, 22 гектар қурилиш банд ерлар, 87 гектар бошқа ерлар,

- боғдорчилик йўналишида 27 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 704 гектар, шундан 223 гектар экин ер майдони, 418 гектар боғзорлар, 6 гектар узумзор, 4 гектар тутзор, 1 гектар ўрмонзор, 14 гектар сув ости ерлари, 11 гектар йўллар ўрни, 8 гектар қурилиш банд ерлар, 20 гектар бошқа ерлар,

- паррандачилик йўналишида 2 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 30 гектар, шундан 23 гектар экин ер майдони, 1 гектар боғзорлар, 5 гектар қурилиш банд ерлар,

- асаларичилик йўналишида 1 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 13 гектар, шундан 9 гектар боғзорлар, 3 гектар қурилиш банд ерлар, 1 гектар бошқа ерлар,

- балиқчилик йўналишида 1 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга фойдаланиш учун жами 3 гектар, шундан 2 гектар экин ер майдони, 1 гектар сув ости ерларини ташкил қилади.

Республикаимиз иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш жараёнида давлат ер фонди таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Халқ хўжалик тармоқлари маълум ер майдонисиз ривожланиши мумкин эмаслигини

ҳисобга олган ҳолда илмий техника тараққиёти, унинг қўлами ва ишлаб чиқаришдаги тадбиқ даражаси ер фонди таркибига ҳамда ўзаро салмоғига катта таъсир этишини эътироф этишимиз керак.

Илмий техника тараққиёти таъсирида тармоқлар ривожланиши натижаси ҳам ер фонди тақсимотига турлича таъсир этади. Айрим тармоқларда илмий техника тараққиёти ер мулк салоҳиятига бўлган талаб камаяди. Ер мулк салоҳиятининг чегараланганлигини ҳисобга олсак, бир тармоқдаги ер майдонига бўлган талаб албатта бошқа тармоқлар банд қилган майдонлар ҳажмига таъсир этади. Демак, ер мулк салоҳиятида доимо ўзгаришлар бўлади ва бу жараён маълум қонуниятларга бўйсинади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш зарурки, кўзда тутилаётган ер ислохоти умумдавлат миқёсида ўтказилишини чуқур ҳис қилган ҳолда бу тадбирларга қонун тусини беришни давр талаби, бозор иқтисодиётига йирик иқтисодий, ижтимоий ва экологик талофатларсиз ўтишни кафолатлайди деб ҳисоблаймиз. Мустақил республикамизнинг ягона ер мулк салоҳиятини тўғри бошқариш иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ернинг иқтисодий - ижтимоий боғлиқлиги ҳамда унинг табиий ресурс сифатида ўзига хослиги билан фарқланади.

III-BOB. ФАРҒОНА ШАҲРИ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ҲОЛАТИ

3.1. Ер мониторинги - ердан фойдаланиш даражасини белгиловчи тадбирлар тизими

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 14-моддасида Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу кодекснинг 14-моддаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарори тасдиқланди ва Низомда ер мониторингининг мақсадлари, вазифалари аниқ қилиб белгилаб берилди.

Ер мониторингининг мазмуни ер фонди ҳолатини махсус ташкил этилган доимий кузатишлардан, яъни қуйидаги ўзгаришларни аниқлаш, баҳолаш ва прогнозлашдан иборат:

- ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара-экология комплексларининг ҳолатини аниқлаш;
- ерлар унумдорлигини ўзгаришига, уларнинг таназзули ва деструкциясига таъсир қилувчи жараёнларни аниқлаш;
- табиий озуқабоп ўтлар қоплами ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ жараёнларни аниқлаш;

- дарёлар қирғоқларининг, Орол денгизи, кўллар, сув омборлари, ирригация ва гидротехника иншоотларининг ҳолатини аниқлаш;

- жарлик ва ўпқонлар, ўпирилишлар, сел оқимлари, зилзилалар, сув тошқинлари, карст, ер чўкиши, бошқа экзоген ва эндоген жараёнлар ва антропогенноген ходисалар туфайли пайдо бўлган жараёнларни прогнозлаш;

- аҳоли яшаш жойлари, нефть ва газ қазиб олиш, тозалаш иншоотлари, аҳлатхоналар, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, заҳарли химикатлар омборлари, токсик саноат чиқиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошқа саноат объектлари ерларининг ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги мазмунга эга.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш ҳақида»ги қарорида кўрсатилган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутасадди вакилларида иборат идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг ярим йиллик ва йиллик бажарилган ишлар ҳисоботлари бўйича йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишларда 2006 йилнинг 16 мартда 01-344-сонли қўшма қарор билан тасдиқланган, 2006-2010 йилларга режалаштирилган иш дастури юзасидан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳамда қўмита тизимидаги илмий-тадқиқот институти ва корхоналарининг ҳисоботлари тингланди. Йиғилиш натижалари бўйича қарорлар қабул қилиниб, ижроси юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиш баённомалари ва манфаатдор вазирлик ва идораларнинг жорий йил давомида бажарилган ишлари ҳисоботлари умумлаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ерлардан фойдаланиш даражасини ошириш ва ердан олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш мақсадида ер мониторингини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган ер

мониторинги барча ер фондининг мавжуд холати тугрисида, уни бахолаш, уз вактида сифат ва микдор узгаришларини аниклаш, ердан фойдаланишда руй бериши мумкин булган салбий окибатларни бартараф килиш буйича кузатувлар тизимини уз ичига олади.

Ер мониторинги ер таркибидаги узгаришларни уз вактида аниклаш, ерларга бахо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва окибатларини тугатиш учун ер фондининг холатини ва сифатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Ер мониторинги - табий мухит холати мониторингининг асосий кисмларидан бири булиб ва шу билан бирга бошка табий-мухит мониторингининг асоси булиб хисобланади. Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузиш, ер фондидан белгиланган максадда ва окилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни мухофаза килиш органларини ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторинги - ерларда назорат утказиш, ерларни химоя килиш ва ерлардан самарали фойдаланиш учун умумий кузатув ишларини амалга оширувчи тадбир хисобланади. Ер мониторингини утказиш, ерларни рекультивация килиш тартиби ва назорат утказиш турлари ва усулларини яғони тизим асосида, давлат томонидан тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

Ер мониторингининг мазмуни ер фонди холатини махсус ташкил этилган мунтазам кузатишлар (суратга олиш, текшириш ва кидирув)дан куйидагилар узгаришларини аниклаш, бахолаш ва прогнозлашдан иборатдир:

- ерга эгалик килиш, ердан фойдаланиш, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара экология комплексларининг холати;

- ерлар унумдорлигининг узгаришига, уларнинг таназзули ва деструкцияси (аридизация ва чулланиши, сув, ирригация ва шамол эрозияси, чиринди микдори узгариши, тупрок таркибининг узгариши, охаклилиги,

бегона ут босганлиги, ерларнинг пестицидлар, огир металлар, радионулидлар ва бошка токсик моддалар, саноат, маиший ва бошка чикиндилар билан ифлосланиши)га таъсир килувчи жараёнлар (омиллар);

- табиий озукабоп утлар коплами холатининг узгариши (усимликлар таркиби, тузилиши, хосилдорлиги, сифати ва туйимлигининг узгариши) билан боглик жараёнлар;

- дарёлар киргокларининг, Орол денгизи, куллар, сув омборлари, ирригация ва гидротехника ишноотларининг холати;

- жарликлар ва упконлар, упирилишлар, сел окимлари, зилзилалар, сув тошкинлари "дегишлар", карст, ер чукиши, бошка экзоген ва эндоген жараёнлар ва антропогенноген ходисалар туфайли пайдо булган жараёнлар;

- ахоли яшаш жойлари, нефть ва газ казиб олиш, тозалаш иншоотлари, гунгхоналар, ахлатхоналар ёнилги-мойлаш материаллари, угитлар, захарли химикатлар омборлари, токсик саноат чикиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошка саноат объектлари ерларининг холати.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кумитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектураси ва қурилиш кумитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги гидрометеорология Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат биология ва минерал ресурслар кумитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошка манфаатдор вазирликлари ва идорлари иштирокида амалга оширилади. Вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат кумитаси томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари давлат кумитаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер мониторингининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- ер фонди ҳолати узгаришларни уз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва баргараф этиш буйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришга доир бошқа функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Ер мониторинги узлуксиз олиб бориладиган давлат тадбирлари тизимига киришини ҳисобга олган ҳолда биринчи босқичда ташкилий бошқарув ишларини амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда куйдаги вазифаларни амалга ошириш кузда тутилади:

- ер мониторингини илмий-услубий курсаткичларини ишлаб чиқиш;
- ҳуқуқий ва меъерий асосий курсаткичлар тизимини яратиш;
- ер мониторинги талабларига мос булган минтакавий ҳудудларни аниқлаш (иктисодий, ижтимоий, экологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда):
 - ер мониторинги буйича ахборотлар тизимини ташкилий бошқарув жихатдан аниқлаш;
 - ер мониторингини утқазиларнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари, уларнинг ҳукукий режими, фойдаланиш мақсади ва характеридан катъий назар ер мониторингининг объекти ҳисобланади.

Мониторинг ерлардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади ва ер фонди тоифаларга мувофиқ булган қуйидаги кичик тизимларга бўлинади:

- кишлок хужалиги мақсадидаги ерлар мониторинги
- аҳоли пунктлари ерлари мониторинги:
- аҳоли пунктлари ерлари мониторинги:
- саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги:

- табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реакцион мақсадлардаги ерлар мониторинги:

- тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар мониторинги:
- урмон фонди ерлари мониторинги:
- сув фонди ерлари мониторинги:
- захира ерлар мониторинги.

Худудий камраб олинишга қура ерларнинг республика, минтақавий ва маҳаллий мониторинги амалга оширилади.

Республика мониторинги Ўзбекистон Республикасининг бутун худудини камраб олади. Маҳаллий мониторинг алоҳида ер участкалари ва манзара - экология комплексларни камраб олади.

Ерларнинг ҳолати узгаришларнинг йуналиши ва жадаллигига оид бир қанча изчил қузатишларни (даврий, мавсумий, суткалик) таҳлил қилиш, олинган курсаткичларни ерларнинг сифат ҳолати нормативлари билан такослаш орқали баҳоланади. Ер ҳолатини баҳолаш курсаткичлари муайян давр ёки сана учун ҳам абсолют, ҳам нисбий курсаткичларда (улчов бирлигида) ифодаланади. Ерлар ҳолатини баҳолаш натижаларига қура тезкор маълумотлар, ахборотлар, прогнозлар ва тавсияномалар тузилади, уларга узгаришлар, айниқса салбий узгаришларнинг динамикасини, уларнинг

йуналишини ва жадаллигини тавсифловчи мавзули хариталар, картограммалар, жадваллар ва диаграммалар илова қилинади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кумитаси томонидан манфаатдор Вазирликлар, Давлат кумиталари ва идоралар иштирокида ишлаб чиқарилган ва тасдиқланган ягона услуб олиб борилади, бу услуб ерларнинг ҳолатини тезкор ва мунтазам кузатишларни амалга оширилувчи, тадқиқотлар, текширишлар утказувчи ёки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида катъий назар ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг ҳолатини кузатувчи корхоналар муассасалар ва ташкилотлар ер ресурслари бўйича тегишли хизматларга уларнинг ваколатлари доирасида ерларнинг миқдор ва сифатловчи ҳолати тугрисидаги маълумотларнинг ер мониторинги ва давлат ер кадастри бўйича ахборотлар киритиш учун курсатилган ишлар бўйича материалларнинг нусхаларни текин берилади.

Ер мониторинги ягона классификаторлар, кодлар, метрик бирлик тизими, маълумотларнинг стандарт форматлари ва меъёрий -техник база, координаторлар ва баландликлар давлат тизимига асосланган турли хил маълумотларнинг бир-бирларига мослиги принципига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Ер мониторинги утказишда зарур ахборотларни олиш учун қуйидагилар қулланилади.

- масофадан туриб зондлаш (айроқосмик суратга ролиш ва кузатишлар:)

- ерда суратга олиш ва кузатиш

- фонд материаллари

Муддатлари ва даврийлигига кура ерларнинг ҳолатини 3та гуруҳ кузатишлар амалга оширилади:

- базавий (ер мониторингини уритишнинг дастлабки боскичида кузатиш объектларининг хакикий ҳолатини кайд этувчи бошлангич) кузатишлар

- даврий (йиллик ва бир йиллик устидаги даврлар буйича

- тезкор (жорий узгаришларни кайд килувчи), бир йилдан кам оралик даврда мунтазам ёки бир йула бажариладиган кузатишлар.

Экин майдонлари далалар, участкалар, манзара экология комплекслар ҳолатини бевосита кузатишда олинган базавий маълумотлар туманлар, шаҳарлар кургонлар, вилоятлар, Қорақолпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон республикаси буйича шунингдек алоҳида табиий комплекслар буйича умумлаштирилади.

Ер муносабатларининг бозор шароитига утишда Ўзбекистон ер фондининг ҳолатида салбий тенденция кескинлашди. Ер ислохотининг бошлангич даврида, ерни қаровсиз қолдириш, ифлослантириш, улардан ваҳшиёна фойдаланиш, тупрокка ишлов бериш технологиясининг бурилиши ва бошқа турли хил истеъмоллар муносабати билан ернинг ҳолатига салбий таъсир қурсатди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ер мониторинги бошқа барча табиий ресурслардан кадастрлари ва мониторингларино боғловчи, асосий вазифани бажариши талаб этилади ва давлат мақомига эга булиш керак.

Бундай ёндашув ер тугрисида мажмуали ахборот олишни таъминлайди ва кузатиш тизимининг ишлаб туришига энг кам харажатли услубни қуллаш имкониятини яратади. Мониторинг ёрдамида кескин вазиятни аниқлаш, таъсир қурсатишнинг жиддий омилларини ва биосферанинг энг мойил таъсир эттирувчи ресурсларини ажратиш мумкин.

Иқтисодий ёрни бошқаришда кишилиқ жамиятнинг табиат билан узаро таъсирини оптималлашга мувожазланган экологик имконият доирасида антропогенли таъсир қурсатишни чегаралаш янада қаттарок рол уйнаши керак. Шу муносабат билан мониторингнинг ниҳоятда маъсул ресурси булиб табиат муҳитининг ҳолатини баҳолашдан иборатдир.

Ер учаскасининг кимга тегишли яъни мулкчилик шакллари мақсадли тайёрланиши ва ердан фойдаланишнинг тавсифидан катъий назар мамлакатнинг ер фонди булиб ҳисобланади.

Мониторинг ёрдамида кескин вазиятни аниқлаш, таъсир курсатишнинг жиддий омилларини ва биосферанинг энг мойил таъсир эттирувчи ресурсларини ажратиш мумкин.

Иқтисодий ва бошқаришда кишилик жамиятнинг табиат билан узаро таъсирини оптималлашга муваффақланган экологик имконият доирасида антропогенли таъсир курсатишни чегаралаш янада каттарок рол уйнаши керак. Шу муносабат билан мониторингнинг ниятида маъсул ресурси булиб табиат муҳитининг ҳолатини баҳолашдан иборатдир.

Ер учаскасининг кимга тегишли яъни мулкчилик шакллари мақсадли тайёрланиши ва ердан фойдаланишнинг тавсифидан катъий назар мамлакатнинг ер фонди булиб ҳисобланади.

Ер мониторингининг натижалари маълум давр учун аниқ сифат ва миқдор курсаткичларида ифодаланади (масалан гектарига чиқиндининг працентда йукотилиш даражаси ва тупрок катламининг деградацияси интенсивлиги маълумотлар банкига киритилади).

Ер мониторингининг натижалари буйича оператив дақладлар, ҳисоботлар, миллий прогнозлар, мавзули хариталар ва бошқа материаллар тузиб чиқилади, улар давлат органларига тақдим этилади. Ер мониторингининг тузилиши ердан уларни мақсадли таъминланиши буйича маъмурий ҳудудий булиниши билан аниқланади.

Маъмурий ҳудуди чегараси буйича ер мониторингининг тузилиши қуйидаги даражага эга:

- Ўзбекистон Республикаси мониторинги;
- Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари;
- Туманлар ва шаҳарлар мониторинги;

Ер мониторингининг мақсади ва вазифаси, уни юритишнинг куйидаги принциплари писанда килинади:

1. Хар хил маълумотларни таккослаш ва узаро бирга кушила олишлик мажмуи. У ягона классификаторлар, форматлар, нормативли-техникавий базанинг маълумотлари, координат ва баландликнинг ягона давлат тизими кулланишига асосланади.

2. Мониторинг юритишнинг уйғунлиги, технологиялар ва услублар бирлигини назарда тутадиган бирлик принципи.

3. Ер фондидан фойдаланиши ва холати ер мониторингининг маълумотларига хакикатдан хам мувофик килиш даражаси ни тавсифлайдиган аниқлик ва ишончлилик принципи.

4. Маълумотларнинг тулалик принципи аниқ вазифаларни ечиш учун ахборотлар тула ва етарлича булиши зарур.

5. Ер мониторингини юритишнинг узлуксиз принципи. Ер муносабатларини кайта тузиш жараёнида, мамлакат ер фондининг микдор ва сифат тавсифининг узгаришида унинг айрим тоифалари узгариши ер ресурсларига антропогенли нагруканинг кучайиши ер фондининг таксимлаш ва таркибида турли хил узгаришлар руй беради. Шунинг учун ахборотларни вақти вақти билан ёки мнтазил янгилаб туриш йули билан ер мониторингин юритишнинг узлуксизлигини таъминлаш зарур.

Қолган принциплардан яна куйидагиларни таъкидлаш керак: кургазмали принципи (харита, атласлар, схемалардан фойдаланиш); фойдаланиш хукуки принципи (давлат ёки тижорат сирини ташкил этадиган маълумотлардан ташкари) тежамкорлик ва самарадорли кпринципи (ер мониторинги маълумотларини саклашва усулар, технологиялар, услубларни куллаш); марказлаштирилган рахбарлик принципи (Ўзбекистон Республикаси масшбаида ягона услуб буйича ва ягона марказдан мониторингни узатиш).

Ер мониторингин юритиш учун турли хил тавсифлар кидиришлар, тафтиш килиш (топографо-геодезияли, тупрокли, геобатаникли, агрокимёвий, мелиоративли, шахар курилиши ва бошкалар) махсус кузатишлар

(тоғларданкучиб тушадиган коришма, сел тошқини гляциологли радиологияли ва бошкалар (космк тасвир ва кузатиш, баландда учадиган самалётлар билан тасвирга тушириш ва кузатиш вакичик авиокия воситаси ёрдами билан ер усти ва тасвирга олиш ва кузатиш: Шунингдек фондли далиллардан фойдаланиш билан.

Маъмурий туманлар, шаҳарларда ер сув мулкининг ташқи куриниши участкалар, айрим далалар, ердан фойдаланиш ва ерга эгаллик қилиш, барча ер фондининг ҳолатин тавсифлайдиган маҳаллий мониторингининг дастлабки маълумотлари тупланади. Ўзбекистон республикасининг таркибидаги илоятларда, уларнинг таркибига қирадиган туманлар, шаҳарлар шунингдек айрим экологик минтақавий тавсифга эга бўлган объектлар буйича ҳамма маълумотларни у ичига олган маълумотлар шаклланади.

Ер мониторингининг шаклланган базаси ва банкдан фойдаланишлари мумкин:

- давлат ва муниципал бошқариш органлари;

- ер ресурслари ва ер тузиш буйича Ўзбекистон республикаси қумитаси; Шунингдек унинг жойлардаги органлари;

- Ердан фойдаланиш билан боғланган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа муассасалар идоралари;

- айрим фуқаролар;

- ердан ва табиатдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотлар ва чет эл ва халқаро органлари.

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон мухтор республикаси, вилоятлар ва давлат маҳаллий бошқарув органларига заруриятга қараб оператив сводка, прогнозлар, мавзули хариталар тузиб чиқадилар ва тақдим этадилар ва ҳар йили 1 мартгача кечиктирмасдан ўзем-кадастрига минтақанинг ер фонди ҳолати тугрисида ҳисобот йили учун доклад юборадилар. Ҳозир навбатида ўзем кадастри ер мониторингларини минтақавий материалларини умумлаштириб заруриятга қараб тезкор

маълумотлар, илмий прогнозлар, мавзули хариталар ва атласлар тузиб чиқадилар ва манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга такдим этадилар ва Ўзбекистон ҳукуматига кейинги ҳисобот йили учун ҳар йили 1 апрельдан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ҳолати тугрисида ҳисобот юборади.

Ер мониторинги турли хил усуллар ва услублар билан олиб борилади. Уз ичига натурал кузатиши (экспедицияли, стационарли, мажмуали (биосферали курикхоналар), Масофали (аъро-космикли тасвир)) ва автоматлаштирилган ахборот тизимини (ААТ) киритади.

Бу услублар ва кузатишлар ёрдами билан салбий жараёнлар аниқланади:

-участкалар, далалар, ер сув мулки, ердан фойдаланувчилар ва айрим ер майдонларига эгалик қилишдаги чегаранинг узгариши ва адолатини, шу жумладан шаҳардаги барча участкалар қайд этилади (бу солиқ солиш учун зарур);

-тупрок ҳолатининг узгариши (кислоталиги, деградацияси, ифлосланиши ва хоқозолар);

-геологик муҳит, рельефи ҳолатининг узгариши, (кучкилар, жарликлар, упирилиш қарьерлар ва хоқозолар устидан назорат);

-урмонлар ҳолатини узгариши;

-хайвонот ва усимликлар дунёси ҳолатининг узгариши;

-аҳоли пунктлари ери ҳолатининг газ ва нефт казиб олиш объектлари, тозалагич иншоотлари, захарли чиқиндилар ва радиоактив материаллар ва бошқаларни қумиш жойининг узгариши.

Масалан, спектрозонали тасвири ёрдами билан сув ва ҳаво ҳавзаларининг тупрокнинг ифлосланиши, усимликлар касалланиши майдонини булиб олиш, эрозияларни кузатиш ва бошқа ходисаларни қайд қилиш мумкин. Бир неча килметр масофагача аэрозолли ифлосланишни эса бир неча юз метр масофагача урганишга имкон берадиган лазер покационли тасвир аτροφ муҳитни урганиш учун айниқса перспективдир.

Кузатишнинг фазоли воситаларидан фойдаланиш зонд билан масофа ли текшириш маълумотларнинг ишлов беришасосида шаҳарларнинг антропогенли далалар ва унинг такалиб турган худудига экологик тасвирнинг маълум чегарасининг тавсифини тузиб чиқиш мумкин.

Ер мониторингининг юритишнинг ҳукукий асоси Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси, “ ер ости бойликлари”, тугрисидаги қонун, Ўзбекистонда агроислохоти бўйича қлнун ҳужжатларида, Ўзбекистонда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ҳукумат байённоmaları ва 2005 йилга қадар табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йуналишлари билан белгилаб қуйилган.

Аҳоли пунктлари ерларига шаҳар ва шаҳарчалар маъмурий чегараларида бўлган ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги қорхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари фойдаланаётган ерлар таркибига қирмаган қишлоқ аҳоли пунктлари қиритилган. Аҳоли пунктлари ерлари майдони 2009 йил 1 январ ҳолатига 237,8 минг гектарни ёки жами ерларнинг **0,5** фоизини ташкил қилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича аҳоли пунктлари ерларининг тақсимланиши 3.2.1 - жадвалда келтирилган.

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадларида ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларга белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар қиради. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларнинг майдони 2009 йил 1 январ ҳолатига қўра 1970,9 минг гектар ёки жами ерларнинг 4,4 фоизини ташкил қилади. Бундай ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши келтирилган.

3.2. Ер тақсимотининг умумислужий асослари

Республикаимиз иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш жараёнида давлат ер фонди таркибиде сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Халқ хўжалиқ тармоқлари маълум ер майдонисиз ривожланиши мумкин эмаслигини

ҳисобга олган ҳолда илмий техника тараққиёти, унинг кўлами ва ишлаб чиқаришдаги тадбиқ даражаси ер фонди таркибига ҳамда ўзаро салмоғига катта таъсир этишини эътироф этишимиз керак.

Илмий техника тараққиёти таъсирида тармоқлар ривожланиши натижаси ҳам ер фонди тақсимотига турлича таъсир этади. Айрим тармоқларда илмий техника тараққиёти ер мулк салоҳиятига бўлган талаб камаяди. Ер мулк салоҳиятининг чегараланганлигини ҳисобга олсак, бир тармоқдаги ер майдонига бўлган талаб албатта бошқа тармоқлар банд қилган майдонлар ҳажмига таъсир этади. Демак, ер мулк салоҳиятида доимо ўзгаришлар бўлади ва бу жараён маълум қонуниятларга бўйсинади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш зарурки, кўзда тутилаётган ер ислохоти умумдават миқёсида ўтказилишини чуқур ҳис қилган ҳолда бу тадбирларга қонун тусини беришни давр талаби, бозор иқтисодиётига йирик иқтисодий, ижтимоий ва экологик талофатларсиз ўтишни кафолатлайди деб ҳисоблаймиз. Мустақил республикамизнинг ягона ер мулк салоҳиятини тўғри бошқариш иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ернинг иқтисодий - ижтимоий боғлиқлиги ҳамда унинг табиий ресурс сифатида ўзига хослиги билан фарқланади.

Бугунги кунда яхлит ҳалқ хўжалик мажмуига эга бўлган мустақил мамлакатимиз иқтисодиёти ўзининг бутун таркибий қисми, яъни иқтисодий минтақалар, тармоқлараро комплекслар ўзаро муносиб ва мувозанатли тарзда ривожлантиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда давлатимизда иқтисодиёт тармоқларининг узвий боғлиқлиги маълум даражада шаклланган бўлиб, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан шу мутаносиблик жамиятнинг тараққиёт талабига боғлиқ бўлади. Лекин тараққиётнинг жадаллик усули устун бўлиб, қолаётган ҳозирги шароитда алоҳида олинган тармоқ ва тармоқлараро муассасалар, маъмурий органлар ҳамда хўжалик идоараларининг тармоқ ичидаги ва тармоқлараро муносабатлари тизимида чигалликларнинг мавжудлигини эътироф этишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Албатта, жамиятнинг давлат миқёсидаги тараққиёт даражаси мавжуд ер мулк салоҳиятининг маъмурий ҳудудий, тармоқ ва тармоқлараро тақсимотидаги мослигига боғлиқ бўлади. Демак, давлат ер мулк салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ўртасида ер майдонини қайта тақсимотини ва унинг ҳудудий жойлаштириш муаммоларини замон талаблари даражасида ижобий ҳал этишни тақозо қилади. Бу муаммолар фан-техника тараққиёти, халқаро жамиятлар фаолияти, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бошқа давлатлар билан алоқаларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда мураккаблашиб боради.

Иқтисодиёт тармоқларининг яхлит давлат миқёсидаги муносиб ривожланиши ҳозирда бирмунча шаклланган ва бу муаммо иқтисодчи олимлар томонидан мукамал ўрганилганлигини эътироф этган ҳолда ер мулк салоҳиятини тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимоти ҳамда ерларнинг тоифалар бўйича муносиблик даражаси етарлича илмий-услубий жиҳатдан асосланмаган. Ушбу муаммолар республика миқёсида ер тузиш давлат хизмат идоралари бўйича маълумотлар йиғиндиси сифатида ҳар йили 1 январь ҳолатига чоп этилса - да, иқтисодчи олимлар томонидан илмий-амалий ва умум услубий жиҳатдан деярли ўрганилмаган.

Маълумки иқтисодиётнинг алоҳида тармоғини ривожлантиришдан асосий мақсад тармоққа имкон қадар кўп фойда келтирадиган янги техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва амалиётда тезроқ қўллаш кўзда тутилади. Бу жараён албатта ер майдонига бўлган эҳтиёжни белгилашга ҳам катта таъсир қилади. Ер майдонига бўлган тармоқ эҳтиёжи собиқ иттифоқ даврида ўта чегараланган бўлиб, фақат маълум доира ёки ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозор муносабатларига изчилик билан ўтиб бориши шароитида эса тармоқларнинг истиқболи деярли чегараланмаган даражада белгиланган.

Демак, умуман халқ хўжалик тармоқлари мажмуи, алоҳида олинган тармоқ йўналишлари, тармоқ ичидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг

ер майдонига бўлган эҳтиёжи бозор муносабатларига ўтиш жараёнида битта мамлакат таъсир доирасидан чиққан ҳолда жаҳоннинг бошқа давлатлари ва улардаги ишлаб чиқариш тармоқлари, корпорациялари, уюшмалари, истеъмолчилари эҳтиёж ва таклифларига биноан ўзгариб боради. Лекин бу жараёни бошқаришда албатта ер тақсимоти масалалари маълум тамойилларга бўйсунган ҳолда ҳал этилиши зарур.

Тармоқлараро комплекс режалаштириш ва бошқариш ягона мулк салоҳиятидан фойдаланишда ер тақсимотини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бунда барча тармоқлар ва уларга мос ҳолда ажратилган ер мулк салоҳиятлари пировард натижа йўлида ишлашга эришиш асосий мақсад йўналишларини белгилаб беради. Ялпи олинадиган фойданинг тармоқлараро тақсимотида ҳар бир тармоқни фойда ҳажмида амалий ҳиссасига ва унга ажратилган ер майдони бирлигига нисбатан меъёрий кўрсаткичларга эришганлик даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ер мулк салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларини танлаш мураккаб жараён бўлиб, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ишлаб чиқариш жараёнларини ривожланишини белгилаб берувчи шарт-шароит ҳамда омилларга боғлиқ. Тармоқлараро ер тақсимотида шу мажмуа учун тегишли ривожланиш босқичида ижтимоий – иқтисодий мақсадни танлаш асос бўлиб ҳисобланади. Демак, тармоқлараро ер тақсимоти муаммосига давлат миқёсидаги мақсад йўналишларга ва алоҳида олинган тармоқ олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда асосий бўғин ва белгиловчи омил сифатида қарамоқ керак. Бироқ мамлакатнинг моддий ресурсларининг ва давлат бюджетининг шаклланиши ва уларнинг тармоқлараро тақсимоти ҳам ер мулк салоҳиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ресурслар мослигини таъминлаш тамойилларидан бири ҳам ер мулк ресурсига бошқа ресурсларни қандай даражада мос келиши ва бунда ердан фойдаланиш кўрсаткичларини тармоқнинг ишлаб чиқариш технологик мутаносиблиги ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларини мутаносиб ривожланиши учун талаб қилинадиган ер мулк салоҳиятини башоратлаш

жамиятимиз тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Бу муаммога давлат миқёсида ҳукумат қарорларида ҳар доим катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, ер тўғрисида, ер ижараси, ер солиғи каби қонунларда республика ер мулк салоҳиятидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш, ерларни асраш ва муҳофаза қилиш каби масалаларни ҳал этишда албатта тармоқлараро ва тармоқ ичида ер тақсимоли муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан иқтисодиёт тармоқларини ер мулк салоҳиятига бўлган эҳтиёжини илмий – услубий жиҳатдан башоратлаш натижаларга боғлиқ.

Республика ер мулк салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси юксак тараққий этган давлатлардаги шу кўрсаткичларга таққосланганда сезилади. Бунда албатта яхши майдон ёки экин майдони бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ёки қиймати белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Республика аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ялпи ёки экин майдони Япония, Германия, Англия, Франция, Жанубий Курия каби ривожланган давлатларга нисбатан 1,5-2 баробар кўп бўлишга қарамай, шу майдон бирлигига тўғри келадиган миллий даромад қиймати бир неча баробар кам.

Ушбу муаммони албатта илм-фан, янги техника ва технологияни амалда жорий этилиши жараёни билан боғлиқ ҳолда ечиш зарур. Ер майдони бирлигига тўғри келадиган миллий даромадни орттиришга қуйидаги сабаблар тўсқинлик қилмоқда:

- халқ хўжалик мажмуида илмий тадқиқот ишларининг натижаларини амалда қўллаш, фан-техника тараққиёти, янги техника ва технологияни жорий этиш ишлари давлат кўмиталари ўртасида тармоқ ҳолда ташкил этилган;

- илмий услуб қилинмаган;

- фан-техника тараққиётини ривожлантириш жамиятнинг ижтимоий соҳадаги ривожланишга тўлиқ мос келмайди. Натижада меҳнат, моддий,

техник ва ер ресурсларининг ўзаро муносиблик тамойиллари кўпол равишда бузилмоқда;

- ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган янги техника ёки технология мавжуд амалдаги кўрсаткичларга таққосланган ҳолда баҳоланади. Бу эса жаҳон стандарти даражасидан анча паст бўлган ва «янги» технологияни тезда маънавий жиҳатдан яроқсиз ҳолга келтиришга сабаб бўлмоқда;

- янги техника ёки технологияни амалдаги тадбиғи ҳудудий жиҳатдан қўлланилади. Масалан, замонавий технология айрим хўжалик, туман, вилоят ёки минтақада турли даражада ёки ҳар хил савияда қўлланилиши натижасида ундан кўриладиган ўртача самара кўзланган мақсад даражасида бўлмайди;

- халқ хўжалик тармоқларини ўзаро ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондирмаслик ҳолатларининг мавжудлиги. Масалан, оғир саноат тармоғи қишлоқ хўжалик тармоғи енгил саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминламаслик оқибатида икки, уч ёки ундан кўп узилишларга олиб келади;

- янги техника ва технологияларни қўллашда ҳар бир тармоқни ривожланганлик даражаси, соҳа ходимларининг меҳнат кўникмалари ва уларнинг малакаси, қўлланилиш доираси кенглиги ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди. Бу масалага албатта амалий тажрибага суянган ҳолда ёндашув лозим. Акс ҳолда энг замонавий компьютерлардан оддий ҳисоб китобларда ёки ёзув машинаси сифатида қўлланилиши каби самарасиз ёндашувлар каби кўринишлар содир бўлади;

- халқ хўжалигининг тараққиёт даражасини белгиловчи барча асосий кўрсаткичлар ер майдони бирлигига нисбатан баҳолансагина давлат ер мулк салоҳиятидан тежалган ҳолда фойдаланишга асос яратилади. Масалан, битта ғишт заводи 1 м² эгаллаб турган майдонда иккинчисига нисбатан 2-3 баробар кўпроқ ғишт тайёрлаши мумкин. Бунда эски техника ёки технологияни қўллаш натижасида иккинчи ғишт заводи 2-3 баробар кўп ер майдонини банд қилади;

- ердан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ тизими ер бирлигига тўғри келадиган даромадни давлат стандартига мослигига қараб белгиланмаган. Бунда тармоқ соҳаларида ер майдони бирлиги учун энг кам миқдорда маҳсулот ҳажми ёки қийматини давлат стандарти даражасида белгилаш яхши натижа беради.

Бу тадбирлар албатта давлат томонидан белгиланган ва чегараланган ҳолда бўлиб ягона давлат ер фондини бошқариш тадбирлари сифатида кучга эга бўлади. Ер мулк салоҳиятини бошқариш иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, технологик, ҳуқуқий ва ерларни муҳофаза қилиш каби кенг қамровли тадбирларни ўз ичига олади. Бошқариш жараёнида ер мулк салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва унинг муҳофаза қилиш мақсадида бу тадбирларнинг ўзаро узвийлиги таъминланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунларни (1998й.) ҳаётга тадбиқ қилиш, жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш устувор йўналиш ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш тизимида «бошқарув вазифаси» тушунчасига аниқлик киритиш лозим бўлади. “Бошқарув вазифаси” бош масала бўлиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг назарий ҳамда амалий масалаларини ўрганишда муҳим ўрин тутди.


Бошқарув тушунчасини аниқ ифода этиш белгиланган вазифага оид тадбирлар ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган услуб ҳамда воситаларни аниқлашда ёрдам беради. Айнан шундагина бошқарувнинг айрим бўғинида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш вазифаларига аниқлик киритиш имкониятлари пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг объектив асоси бозор иқтисодиёти қонунлари механизми ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг иккита бирига узвий боғлиқ бўлган бошқарув вазифаси бўлиб, булар биринчидан, ташкилий ва иккинчидан, бевосита хўжаликдаги фойдаланиш шакллари дир. Бошқарувни бу икки шакли алоҳида йўналиш сифатида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий томонини акс эттиради.

Демак, ердан фойдаланиш бўйича амалий тадбирлар (ерларни рекултивациялаш, унумсиз ерларни мелиорациялаш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар ва бошқалар) бошқарув вазифасига қирмайди. Агар бу тадбирларни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш асосида халқ хўжалик тармоқларини мутаносиб ривожланиш қонуниятларига риоя этган ҳолда минтақавий миқёсда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш бошқарилгандагина бошқарув вазифаси тушунчаси ўзининг тўлиқ моҳиятига эга бўлар эди. Айнан шундагина ЕРСФБ мазмунига тўғри келадиган ечимга эришиш мумкин.

Фикримизча ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг мазмуни қуйидаги тизимда ўз аксини топган (2- расм).



2- расм. Ўзбекистон Республикасида ЕРСФБ тизимининг шаклий чизмаси

ЕРСФБ нинг ҳар бир блоки (қисми)нинг ўз вазифаси мавжуд

1. Ер ресурсларини комплекс ўрганиш.

Бу блок давлат улар қуйидагилардир.миқёсида халқ хўжалик тармоқлари бўйича ер ресурсларининг миқдори ва сифати, ташкилий

масалаларни ҳал этилганлик даражаси ва самараси тўғрисидаги маълумотлари билан ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш жараёнини таъминлашга қаратилган бўлади. Маълумотлар ер кадастри информациясига асосланган бўлиб, республика миқёсида ташкил этиладиган маълумотлар банкида йиғилади ва узлуксиз равишда унга ўзгартиришлар киритиб борилади. Ушбу блок вазифасига ер ресурслари тўғрисидаги барча илмий-амалий тадқиқотлар, махсус дала текширув натижалари, хариталаш ишлари бўйича маълумотларни йиғиш ва сақлаш ҳам киради. Бундан ташқари, бу блокга илмий асосланган ва амалда қўлланадиган информация марказларини яратиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ишлари ҳам киради.

2. Ер кадастрини тўлиқ жорий этиш.

Маълумки, 1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бош бошқарманинг «Давлат кадастрлар тизими» бошқармасида 20 та йўналишдаги кадастрлар, шу жумладан, уларнинг энг асосийси бўлган ер кадастри хизмати йўлга қўйилган. Ер кадастри ўз моҳияти, мақсади ва вазифаларига кўра тўрт таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни миқдор ва сифат ўлчови, ерларни бонитировкалаш ва иқтисодий баҳолашдан иборат.

Таркибий қисмлар бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилгандагина ер ресурсларидан самарали фойдаланишни **бошқаришга** тўлиқ замин тайёрланади деб ҳисоблаймиз.

3. Тармоқлараро ва тармоқ ичидаги муқобил ер тақсимоти.

Бу блок республика ер фондини муқобил равишда илмий услубий жиҳатдан тўлиқ асосланган ҳолда халқ хўжалик тармоқлари ўртасидаги ер тақсимотини амалга ошириш бўйича тадбирларни ўз ичига олади. Ҳар бир тармоқ ўз навбатида бир нечта соҳа, соҳалар эса ихтисосликлардан иборатлигини назарда тутсак, бу муаммонинг нақадар чуқурлигини ҳис этиш

мумкин. Демак, ер фондини айнан шу даражалардаги тақсимоти ушбу блок мазмунини ташкил этади.

4. Ер ресурсларини прогнозлаш.

Бу блок ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, уларни муҳофаза қилишга асосланган ҳолда прогнозлаш масалаларини ўз ичига олади. Бу блок ўз моҳиятига кўра ер ресурсларидан фойдаланишни бош ишланмаси (схемаси) ва ер тузиш ишланмасидан иборат бўлиши керак. Блокнинг асосий вазифаси халқ хўжалик тармоқлари тараққиётига мос ҳолда йиллик ва узоқ муддатга мўлжалланган ер ресурсларига бўлган талабнинг таъминоти бўйича асосий кўрсаткичларни белгилаб бериш ҳисобланади. Ушбу блок олдингиси билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилади.

5. Ер тузишни лойиҳалаш.

Бу блок олдинги блокнинг мантиқий давоми сифатида ундаги белгиловчи кўрсаткичларга мос равишда ер тузиш тадбирларини туманлар ва хўжаликлараро ва ер эғалиги ҳамда ердан фойдаланувчи даражасида оширишга қаратилган. Бу блок амалда ер тузишга оид барча ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичида мужассамлаштиради. Блокнинг моҳияти бошқарув вазифасидан келиб чиққан ҳолда: амалдаги ва янгидан таркиб топадиган ер эғаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ҳудудий ташкил этиш бўйича ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан асослаш; халқ хўжалиги тармоқлари эҳтиёжига мос келадиган ер танлаш ва ер ажратиш лойиҳаларини амалга ошириш; суғориш ва йўл тармоқларини лойиҳалаш ва бошқа лойиҳавий ишланмаларни яратиш ҳамда амалга тадбиқ этиш масалаларини ҳал этишга қаратилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ер тузиш мазмунан турлича бўлган жуда кўп иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва экологик тадбирларни ўз ичига олган мураккаб тизим бўлиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ўзагини ташкил қилувчи блок вазифасини бажаради. Блок ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ягона тизимини яратишдаги аҳамияти бекиес ҳисобланади.

6. Ер муносабатларини тартибга солиш.

Ушбу блок бошқарувнинг ҳуқуқий асосларига суянган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатлари таркибида ер муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади.

7. Тезкор бошқарув.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда тезкор бошқарувнинг салмоқли ўрни бор. Жамиятдаги иқтисодий, техник, ҳуқуқий ва экологик тадбирларни амалга ошириш жараёнида ҳозирги даврда тезкор услублар, жумладан, ер ресурсларидан фойдаланишдаги мулкчилик муносабатлари, тезкор ер ҳисоби ва унинг баҳосига бўлган талаб кучайиб бормоқда. Бугунги кунда республика миқёсида ҳар куни ўнлаб ёки юзлаб ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ташкил этилмоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнига мос ҳолда ер ва экин турлари майдонида ҳам ўзгаришлар қайд этилади. Буларнинг барчаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда тезкор бошқарув услубларини қўллашга ундайди. Тезкор маълумотлар йиғиш ва информация банкига киритиш айнан шу блокнинг вазифасидир.

8. Ердан фойдаланишнинг назорати ва ерларни муҳофаза қилиш.

Бу блок давлат органлари томонидан ер эгалиги ва ердан фойдаланувчиларнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришга оид фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан назорат қилишга қаратилган.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш вазифасининг тизими профессор С.А.Ткачук (48-49 б) томонидан биринчилардан бўлиб ишлаб чиқилган. Бу тизимда қуйидаги бошқарув вазифалари аниқланган:

1. Ер ресурсларини хариталаш ва ўрганиш.
2. Ер ресурслари кадастрини жорий этиш.
3. Ер ресурсларини прогнозлаш.
4. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни режалаштириш.
5. Ердан фойдаланишни лойиҳалаш.

6. Ердан самарали фойдаланишни иқтисодий жихатдан рағбатлантириш.

7. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат этиш.

8. Ердан фойдаланиш бўйича низоларни ҳал қилиш.

Албатта, ушбу тизим маълум маънода ЕРСФБ нинг асосий йуналишларини белгилаб беради. Лекин бозор иқтисодиёти қонуниятларини халқ хўжалигининг барча соҳаларига булган объектив таъсири келтирилган тизимга жузъий тузатмалар киритишни тақозо этади. Масалан, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ер тақсимоти, ер тоифаларидаги объектив ўзгаришлар, ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий масалалар қайд этилган тизимни такомиллаштиришга асос булади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш вазифаларини илмий ва амалий жихатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги ўзаро узвий боғлиқ бўлган тизимни тавсия этамиз:

1. Ер ресурсларини комплекс ўрганиш.

2. Давлат кадастрлар тизими таркибида ер кадастрини жорий этиш.

3. Ер ресурсларини тармоқлараро ва ер тоифалари бўйича тақсимоти.

4. Ер ресурсларини прогнозлаш.

5. Ер тузишни лойиҳалаш.

6. Ер муносабатларини тартибга солиш.

7. Ердан фойдаланишни назорат қилиш ва ердан фойдаланувчиларни рағбатлантириш.

8. Ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда низоларни ҳал этиш.

9. Бошқариш вазифалари тизимида боғлиқлик ва узлуксизликни таъминлаш ва белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишга эришиш.

Таклиф этилган вазифаларни бир нечта йўналишлардан иборат қилиб бажариш кўзда тутилади. Масалан, ер кадастрини жорий этишда давлат кадастрлари тизимидаги ўрнини, вазифасини билган ҳолда «ер эгаликлари ва

ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш», «ерларнинг миқдор ва сифат ўлчови», «ерларнинг иқтисодий баҳоси» каби масалаларни алоҳида ва узвий боғлиқликда кўриб чиқишни тақозо этади.

Демак, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш - иқтисодий техник, ташкилий-хўжалик ва ҳуқуқий жиҳатдан давлат тадбирлар тизими бўлиб, ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш ва муҳофаза қилишда жамият ҳамда ер эгаллиги ва ердан фойдаланувчилар манфаатларини уйғунлаштира оладиган тадбирлар комплекси ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш таркибига юқорида берилган 9 вазифа киради. Бу тизимда «таҳлил - прогноз - лойиҳа - ечим» ҳар бир ер участкасидан яхлит давлат ер фонди даражасигича ва унинг акси бўлган поғоналар бўйича ишлашни ҳамда тадбирларни ўз ичига олади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш мақсади ва вазифалари “бошқариш” тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, бу маълум тизимга эга бўлган жараёндир. Ҳар қандай бошқарув каби ердан фойдаланишни бошқаришнинг ҳам ўз мақсади бўлади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг узок муддатли ва яқин даврга мўлжалланган мақсадлари давлат ягона ер фондидан халқ хўжалик тармоқлари ва уларнинг соҳалари ҳамда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилари ўртасида ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда энг кўп самара олиш учун белгиланади. Яқин даврга мўлжалланган мақсад, ҳаётга тадбиқ этилаётган иқтисодий ва аграр ислохотларни айнан ҳозирги даврга мўлжалланган тадбирларини бевосита амалга ошириш бўйича вазифалари билан изоҳланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш омилкорлик даражаси мазмунига ва мақсадига кўра ресурслар тежамкорлиги технологиясига, кенг маънода эса ердан фойдаланишда ресурс тежамкорлиги тизимини яратиш билан ўлчанади. Ўз навбатида ер ресурси тежамкорлиги давлатнинг ягона ер фондини тоифалар, ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича тақсимоотида ўз аксини топиши зарур.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни амалга оширишда унинг моҳияти ва вазифасига кўра халқ хўжалигининг энг долзарб муаммолари кўйилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ер муносабатларини ривожлантириш қонуниятларини ўрга-ниш ва таҳлил қилиш натижасида бу жараёни узлуксиз такомиллаштириб бориш.
2. Ҳозирги давр ва истиқбол учун ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини илмий-услубий жиҳатдан асосланган энг қулай шароитлар яратиш.
3. Ер фонди, ер тоифалари, халқ хўжалик тармоклари, ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича тақсимотини давр ва ҳудудий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда мутаносиб ҳолда таъминлаш.
4. Ер ресурсларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқишини ва тупрок унумдорлигини узлуксиз иқтисодий ўсишини таъминлаш.
5. Ҳар бир ер участкасидан самарали фойдаланиш учун иқти-содий ва экологик замин яратиш.
6. Ресурслар мутаносиблигини таъминлаш.

Юқоридаги вазифаларни самарали ва оқилона бажариш учун ЕРСФБнинг барча функцияларини бирлаштириш асосида фаоллаштириш зарур бўлади.

Республика ер ресурсларидан, шу жумладан, шаҳарларга бириктирилган ер фондидан самарали фойдаланишни бошқариш масалалари амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг негизи ҳисобланди.

Давлат миқёсида турли маъмурий-ҳудудий даражалардаги бошқарувда шаҳарлар тизими муҳим ўрин эгаллайди. Республикамининг маъмурий-ҳудудий субъектлари ўртасида шаҳарлар ва уларнинг тасарруфидаги ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг предмети, объекти, мақсади ва вазифаларини ўрганиш ҳамда уларни таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Айрим шаҳарда ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва бошқарув масалаларини ҳал этишда геоахборот тизимларининг таркибини аниқлаш зарурати ҳам мавжуд. Умуман, барча жойларда, жумладан, шаҳарларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг турли ҳаётӣ эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда ва самарали фаолиятларини таъминлашда ердан фойдаланиш жараёни ер ресурсларини бошқаришнинг предмети ҳисобланади. Масалан, шаҳар аҳолиси учун ижтимоӣ, уй-жой, саноат, транспорт, соғломлаштириш, экологик ва бошқа шароитларни замон талаб даражасида яратиш заминида ер фондининг муқобил тақсимоти ҳамда ундан самарали фойдаланишни бошқариш масалаларини тўғри ҳал этиш ётади.

Шаҳарда давлат ер сиёсатининг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ердан фойдаланишнинг самарадорлик мезонини ишлаб чиқиш;
- шаҳар хўжалигининг ривожланиши ва ерларни бошқариш хусусиятлари, ҳар хил тоифадаги ерларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш билан бирга ерга бўлган ҳуқуқ муносабатларида ўзгариш стратегиясини ишлаб чиқиш;
 - давлат, шаҳар ва ижтимоӣ эҳтиёжларни таъминлаш, ипотекали кредитлаштириш ва кўчмас мулк бозорининг ривожланиши, участкаларни танловсиз ва танлов билан тақдим этилишининг оптимал балансини белгилаш;
 - молиявий оқимларни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида ер ресурсларини бошқариш вазифаларини аниқлаш.

Жамиятда шаҳар ерларининг роли ва вазифалари шу билан белгиланганки, ерлар инсон ҳаёт-фаолиятининг хилма-хил турдаги эҳтиёжларини таъминлашга мўлжалланган: рекреацион, маданий ва физиологик эҳтиёжларни қондириш; ҳаёт фаолиятини таъминлаш билан

узвий боғланган ишлаб чиқариш фаолияти ва бевосита шулар билан боғланмаган бошқа йўналишларни таъминлаш.

Ер шаҳарда таянч-фазо ва базис сифатида хизмат қилади. Умумий кўринишда шаҳар ер ресурсларини бошқаришнинг предмети ҳаёт-фаолиятининг турли хил соҳалари (йўналиши, тавсифи, технологияси ва ш.к.) учун ерлардан фойдаланиш жараёнидир. Бошқаришнинг предмети муайян хусусиятларга эга. Булар:

- хилма-хил ҳаёт фаолияти турларининг ер майдони, бирлигида юқори зичлиги;
- ер хусусиятларидан фойдаланиш вақтидаги технологиялар ва усулларнинг хилма-хиллиги.

Буларнинг ҳаммаси жараёнлар ва ҳодисаларни яратади. Бошқариш объекти – ер участкасидир, унда ер муносабатларининг битта субъекти билан ердан фойдаланиш жараёни етарлича алоҳидалашган шаклда амалга оширилади.

Бошқаришнинг предмети хусусий кўринишда – ердан фойдаланиш жараёнидир. У шаҳар доирасида аҳолининг барча, хилма - хил эҳтиёжларини кондиради ва шунинг учун давлат бошқарувида ўзига хос хусусиятларга эга.

Шаҳар ерларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

1. Ер участкасининг ҳуқуқий мақомини ўрнатиш (мулкчилик, фойдаланиш, ижара, сервитут ва бошқалар);
2. Ердан фойдаланиш жараёнининг ахборот билан таъминланиши;
3. Ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг ҳудудий ташкил қилиниши;
4. Ерларнинг табиий ва иқтисодий ҳолатига кўра улардан фойдаланиш турларини аниқлаш (кенгайтирилган фойдаланиш).

Бошқариш мақсадини шакллантириш пайтида унинг объектлари ва субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта аҳамиятга эга. Масалан;

битта объектнинг мавжуд пайтида (шаҳар ҳудудларида) ҳозирги вақтда уларнинг ерларини бошқаришнинг бир нечта субъектлари мавжуд. Бу объектнинг ҳуқуқ ва ҳўжалик мақомлари билан боғланган. Бошқариш субъектларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ваколатли органлари;
- вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси субъектлари ва уларнинг ваколатли органлари;
- туман қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда маҳаллий шаҳарларда ўз-ўзини бошқариш органлари ва уларнинг ваколатли органлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мувофиқликда, давлат чегараси доирасида, шу жумладан, барча шаҳарлар маъмурий ҳудудларида қонунлар асосида ер ресурсларидан фойдаланиш ишлари бошқарилади. Ер ресурсларини давлат бошқарилишини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси номидан махсус орган ўзининг ҳудудий органларига (вилоят, шаҳар, туман) эга бўлган-давлат “Ергеодезкадастр” Давлат қўмитаси амалга оширади.

Вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси субъекти – Ўзбекистон Республикаси ва унинг субъектлари ўртасида ваколатларини чегаралаш тўғрисидаги шартнома билан мувофиқликда давлат ер ресурсларини бошқариш бўйича ваколат олади. Давлат бошқариш тизими вилоят даражасида яқунланади, қуйи жойлашган даражалар «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси билан мувофиқликда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга киритилган. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг органлари томонидан махсус рухсатсиз маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари давлат бошқариш ишлари билан шуғулланиш тасарруфида бўлган ҳуқуқига эга эмас. Улар, шунингдек, бошқариш вазифасининг бир қисмини давлат бошқаришини субъектидан шаҳар ва туман хизматига ўтказиш йўли билан расмийлаштириш ҳуқуқига ҳам эга эмас.

Шаҳар ва қишлоқ фуқролар йиғини доирасида маҳаллий аҳамиятга эга давлат мулкчилигида турган ерларни умумий бошқаришни ва ўзининг ҳудудлари доирасида мулкчиликнинг махсус бошқариш ишини амалга оширадилар. Шаҳар ҳудудида умумий ва махсус бошқаришдан ташқари ер ресурсларининг идоравий бошқарилиши амалга оширилади ва унинг айрим вазифалари амалга оширилади. Масалан, йирик шаҳарлар ҳудудида ўз - ўзини бошқариш вазифаларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар ва қўмиталар орқали шаҳардаги ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати қўйидаги вазифаларни бажаради:

- Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати – давлат қўмитаси органлари орқали барча ерларни умумий бошқаришни, ердан фойдаланишни ташкил қилиш ва назорати бўйича қатор вазифаларни амалга оширишни;
- соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат кўчмас - мулк қўмитаси орқали табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ердан фойдаланганлиги учун давлат назоратининг бир қисмини амалга оширилишини;
- адлия вазирлиги органлари – ер тақсимоти ва ундан фойдаланиш бўйича низоларни ечиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишда иштирок этишини;
- вилоят ва шаҳар маъмуриятлари – ер тоифалари ҳамда вилоят аҳамиятидаги ерларни давлат мулкчилигига ўтказиш масалаларини ечишдаги иштирокини;
- бошқарувчилик функциясининг бажарувчи шаҳар маъмурияти шаҳарнинг ўз ҳудудида унинг субъектлари фаолиятини ердан фойдаланиш бўйича таҳлил қилиш ва тадбирлар ишлаб чиқишни.

Жамоат ташкилотида ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, бошқариш субъектлари кўриб чиқилганда ҳар бирининг ерларни бошқаришдан мақсадлари ҳар доим ҳам мос келавермайди. Шунинг учун шаҳарнинг бошқаришнинг умумий тизимини шакллантириш пайтида ягона мақсадни

ишлаб чиқиш эмас, балки бошқаришнинг мақсадлар тизимини, уларнинг погоналари ва алоқадорлигини ишлаб чиқиш зарур.

Бу давлатнинг умумий муаммоларини акс эттирувчи ва давлат ер сиёсатини амалга оширувчи ягона бошқарувчилик қарорларининг узвийлиги, бир-бирини тўлдиришини таъминлайди.

Вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси идоралари кўпроқ тор мақсадларга эга бўлган ердан фойдаланишнинг (хуқуқий, иқтисодий, экологик, ижтимоий) шароитларини таъминлашга интиладилар. Бунда вилоят ҳудудидаги муассасалар, ихтисослаштирилган корхоналарнинг меъёрида ишлаб туришларини таъминлашга бошқа вазифа деб қаралади.

Шундай қилиб, шаҳарда ер ресурсларини бошқариш, йирик минтақалар ҳудудларини бошқаришдан тубдан фарқ қилади. Бу шаҳарда корхоналар аҳолисининг зичлиги ижтимоий, экологик ва транспорт шароитларининг кескин ўзгариши билан изоҳланади. Шунинг учун бундай шароитда шаҳарлар ривожланишининг истиқбол режаларини ишлаб чиқишнинг роли янада ортади. Шаҳарларда ердан фойдаланиш тартибидаги ҳар қандай ўзгариш режаларни амалга оширилиши натижасида ўтказилиши керак. Бундай режаларни жойлашиш моделлари билан мувофиқликда янги шаҳарлар тузиш пайтида ёки шаҳарлар ўсиши муносабати билан, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш пайтида таркиб топган қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқиш мумкин. Шаҳар муҳитини умумий такомиллаштиришни амалга ошириш зарурияти туғилганда шаҳарлар реконструкцияси ўтказилади. Масалан, йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар келтириб чиқарган, шаҳарлар марказини қайта қуриш ёки кўчмас мулкка инвестициялар жалб қилиш учун ва транспортлар оқимининг йўналишини ўзгартириш мақсадида шундай тадбирлар ишлаб чиқилади.

Маҳаллалар тузилиши сифатида шаҳар ҳудудларига тадбиқан прогнозлаштиришнинг вазифаси келажакни илмий асослашга олиб келади. Шаҳарнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган оқимлар ва омилларни

аниқлаш ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш бўйича таҳлил ўтказишни талаб қилади.

Бу талаб шаҳар ҳудудларидан фойдаланишда истиқбол йўналишларининг шаклланишига олиб келади. У ҳозирги замон босқичида шаҳарлик ердан фойдаланувчиларнинг келгусида ердан интенсив фойдаланишнинг моделлаштиришда ифодаланади. Ердан шаҳарлар ҳудудларини ривожланишдаги ҳозирги замон вазифалари шаҳар муҳитида янгича ёндашувни талаб қилади. Бунда қуйидаги вазифалар мажмуасини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- шаҳарда таркиб топган экстенсив ривожланишдан интенсив йўлга ўтиш ва ердан фойдаланишда шаҳарнинг оптимал структурасини тузиш. Бунда шаҳарда ердан фойдаланишнинг ҳозирги замон саноат соҳаларига қўйиладиган фан-техника ва экологик-иқтисодий талабларни ҳисобга олиш зарур;

- ер майдони бирлигига уй-жой ва қурилиш майдонларини кўпайтириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ер майдони сарфини камайтириш жараёни бўйича фан-техника ютуқларини қўллаш асосида шаҳарнинг ҳудудий ички тузилишини такомиллаштириш;

- мавжуд ва келажак мақсадлар ўртасидаги карама-қаршиликларни бартараф этиш асосида ўсиб бораётган жамият эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлаш билан ишлаб чиқаришга жалб қилинадиган ресурсларнинг умумий миқдорини камайтириш;

- транспорт йўналишларини камайтириш мақсадида ердан фойдаланишни ва саноат инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда шаҳар транспорт тармоғини оптималлаштириш;

- мажмуанинг оқилона ривожланишига эришиш, шаҳар ландшафти бинолари ва иншоотларини, муҳандислик-коммуникацион мажмуа, ер ости иншоотлари.

Барча вазифалар мажмуасини ҳозирги замон ЭҲМ ва прогнозлаштиришнинг моделлари мажмуасини тадбиқ этган тақдирдагина

олиш мумкин. Ҳозирги замон шаҳар ҳудудларини ривожланиш прогнозини ҳисоблаб чиқиш жараёнида инсон яшайдиган муҳит фазовий-тарихий шаклланишининг замонавий тенденциялар мажмуасини ҳисобга олиш зарур. Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини етакчи тармоқларидан ҳисобланган агросаноат мажмуи эҳтиёжлари учун ажратилган ёки шу мақсадлар учун белгилаб қўйилган ерлардан самарали фойдаланишни бошқариш умум давлат манфаатларидан келиб чиқадиган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади, умумий кўринишда ердан фойдаланиш билан боғланган жамият эҳтиёжини янада юксак даражада қондиришга имкон берадиган ердан фойдаланишнинг ва ер муносабатлари тизимининг шаклланишини таъминлаш ва яратишдан иборатдир.

Ер ресурсларини бошқаришнинг вазифаси жамиятнинг мужассамлашган эҳтиёжини ифодалашдир. Бунда умумий мақсад ер ресурслари хусусиятларидан фойдаланиш асосида иқтисодиёт тармоқларини шу жумладан, аграр соҳанинг эҳтиёжларини қондириш ва уларда ер фондидан фойдаланиш жараёнини акс эттиради. Ердан фойдаланиш – ер ресурсларига айрим субъектлар ёки жамиятнинг бевосита таъсир кўрсатишидир. Шу билан бирга ҳар қандай таъсир кўрсатувчи субъект ернинг аниқ хусусиятини истеймол қилиш билан писанда қилинган маълум мақсадга эга бўлади. Жамият алоҳида субъектнинг мақсадини уларнинг оммавийлиги ва хилма-хиллиги сабабли тўла назорат қилишга қодир эмас. Шунинг учун бу жараёнларни бошқаришда ердан фойдаланишнинг умумий қоида ва чекланишларни ўрнатилишини талаб қилади. Бундай чегаралашлар фойдаланиш қоидаларини ҳуқуқий расмийлаштириш, ер муносабатларини тартибга солиш ва фойдаланиш тизимини ўрнатиш асосида яратилади.

Агросаноат мажмуига ажратилаётган капитал маблағлар самараси шу тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурслари ва ундан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Маълумки, агросаноат мажмуида меҳнат унумдорлиги ерларнинг махсулдорлигига

боғлиқ бўлганлиги учун бу сохага бўлган эътибор халқ хўжалиги ахамиятига эга.

Миллий хўжаликнинг аграр сектори жуда катта ер ресурслари салохиятига эга. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган экин ерлар ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, комуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади. Шунингдек, бунга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадиган ёки шу мақсадга мўлжаллаб қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва фуқароларга ажратиб берилган ерлар ҳам киради. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда 218785 та бўлиб, уларга бириктирилиб берилган ерларнинг умумий майдони 22259,2 минг гектарни ёки республика ер фондининг 50,1 фоизини, қишлоқ хўжалик ер турлари майдони эса 17234,3 минг гектарни, шундан 3706,2 минг гектари суғориладиган ерларини ташкил қилган.

Республикамизда 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра жами фермер хўжаликларининг сони 215776 тани ташкил қилиб, уларга ажратиб берилган ер майдони 5899,2 минг гектарни, шундан экин ерлар 3557,2 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 256,4 минг гектар, бўз ерлар 42,1 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1410,2 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 633,3 минг гектарни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ва уларнинг муқобил ер майдонлари ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи комиссиялар билан ишлар олиб борилиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини оптималлаштириш ишлари амалга оширилди.

Оптималлаштириш якунларига кўра, 2008 йил 20 декабр ҳолатига фермер хўжаликлар сони 105 мингтани ташкил этиб, уларга умумий 5 млн 964 минг гектар шундан 3 млн 574 минг гектар экин ери, 263 минг гектар кўп йиллик дарахтзорлар, шу жумладан 134,6 минг гектар боғзорлар, 77,4 минг гектар узумзорлар, 49,6 минг гектар тутзорлар ва 2,2 минг гектар бошқа кўп йиллик дарахтзорлар, 43,1 минг гектар бўз ерлар, 1 млн 396 минг гектар пичанзор ва яйловлар ҳамда 687,9 минг гектар бошқа ерлар бириктириб берилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шакллангандан буён ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш масаласида жуда катта туб бурилишлар руй берди. Ўтган 17 йил мобайнида ер ресурслари тоифаларида деярли катта ўзгаришлар бўлмасада, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиёт тараққиётига мос ҳолда кўп шаклли ер эгаллиги ва ердан фойдаланиш тизимига собиткадамлик билан ўтиш босқичлари амалаг оширилмоқда.

17 йиллик муддати туб ислохотлар даври дейиш мумкин. Миллий хўжалик тизимидаги барча тармоқлардаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш бўйича чуқур ислохотлар ўтказишга асосли замин тайёрланган. Бу тадбирларнинг дастлабки босқичи қишлоқ аҳолисини томорқа ерларига бўлган эҳтиёжини кондиришдан бошлаб, 1990 – 1998 йиллар мобайнида шу мақсадлар учун 340 минг гектардан ер ажратилди. Натижада қисқа давр ичида томорқа ер фонди икки марта ортган ҳолда ҳозирги кунда 693,3 минг га ни ташкил этади. Иккинчи босқичда давлат хўжаликлари ўрнига асосан ширкат хўжаликлари уюшмалари таркиб топди. Бу жараён асосан 1993 – 1996 йилларни уз ичига олди.

Фермер ва деҳқон хўжаликларини ишлаб чиқариш фаолиятида ва уларнинг йўналишида туб бурилишни «Фермер хўжалиги тўғрисида» (1998й.) ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» (1998й.) қонунларни Олий Мажлис сессиясида қилиниши ҳамда уларни ҳаётга изчил тадбиқ этилаётгани бўлди.

Республикамиз халқ хўжалигини равнакига, хусусан унинг аграр сектордаги ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш муаммосини хал қилишда «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги (1998й.) қонун мухим аҳамият касб этди.

Республика ер мулк салоҳияти иқтисодий минтақалар бўйича бир текис тақсимланмаганлиги, меҳнат ва сув ресурслари мослигидаги тафовутлар ва биологик захиралар бўйича кескин фарқланиши яққол сезилади. Бу муаммо минтақалар бўйича халқ хўжалиги тармоқларини турли даражада ва хар хил нисбатда ривожланганлик даражаси билан кескинлашиб келмоқда. Натижада бир минтақада ер танқислиги иккинчисида эса буни аксини кузатиш мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар маълум маънода аграр секторда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришга салбий таъсир этиб келмоқда. Аграр саноат мажмуаси таркибидаги ерларнинг 1978 – 2008 йиллар мобайнидаги сифат курсаткичлари бўйича маълумотлар тахлили тупроқ ҳосилдорлигини пасайиб бориш жараёнини курсатмоқда.

Тупроқнинг бонитет балини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланган гумус катламини емирилиш жараёни ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш да катта салбий таъсир этиб келмоқда.

Ўтган 17 йил мобайнида тупроқ гумус катлами учдан бир қисмга камайганлиги кузатилган. Табиий яйловларнинг катта қисми маданий-техник тадбирларни ўтказиш эҳтиёжига эга. Шунинг учун агросаноат мажмуи тасаруфидаги ерларда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

Агросаноат мажмуида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг куйидаги муаммоларини хал этишга қаратилмоғи лозим: биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини орттирган ҳолда майдон бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайтириш, иккинчидан, майдонларни тежаш, учинчидан, ер мулк салоҳиятини муҳофаза қилиш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш,

тўртинчидан, тармоқ ичидаги ихтисосликлар бўйича мутаносиб равишда ер таминотига эришиш.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда ернинг кўп қиррали фойдаланиш вазифасини инобатга олган ҳолда унинг табиий ресурс ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўрни ҳамда аҳамиятини ҳисобга олиш зарур.

Агросаноат мажмуида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш жараёнида ерга табиий ресурс сифатида муносабат билдириш зарур. Бундан ердан фойдаланиш мақсади асосан аҳолини озиқ-овқатга ва саноатни ҳам ашёга бўлган эҳтиёжини кондиришга қаратилган. Шунинг учун ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш жараёнида иқтисодий қонуниятлар билан бирга табиат қонуниятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришдаги бевосита фаолият унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда аниқ ва мақсадли тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилиши зарур.

Давлат томонидан рухсат этилган ваколат бўйича «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси томонидан олиб бориладиган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш тадбирларини ишлаб чиқилиб амалга ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, технолоик, ер муҳофазаси, ҳуқуқий ва бошқа тадбирларни ўз ичига олади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш жараёнида шу тадбирларни ўзаро боғлиқ ҳолда ҳамда халқ хўжалик тармоқлари эҳтиёжига ҳам мос келадиган ҳар бир ердан фойдаланувчи субъект манфаатларини ҳисобга оладиган тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Албатта бу тадбирларни амалга оширишда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агросаноат мажмуида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни зарур маълумотлар билан таъминлаш ер кадастри ва ер мониторингини аҳамиятини орттиради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ердан унумли фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши учун жуда ҳимдир. Ҳозирги замон ердан фойдаланиш тизимини давлат томонидан бошқарилиши, давлат ва ер билан ишлаётган ердан фойдаланувчилар эҳтиёжини ҳисобга олиши зарур. Худди шу принципга асосан ер ресурсларини бошқариш, ер муносабатларини мувофиқлаштириш ва иқтисодиёт мақсадига мувофиқ ерларни қайта тузишнинг давлат механизми тизимини шакллантирмоқ лозим.

Бажарилган тадқиқотлар натижасида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун давлат ер кадастри, ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назорати, ер тузиш, ер мониторинги механизмларини, ўзаро ягона тизим тарихида доимо такомиллаштириб борилиши зарур. Қонунчиликда, республика ва минтақалар миқёсида давлат бошқарув қарорларини қабул қилишда фақат ердан фойдаланишнинг истиқболли ва йиллик режалар ҳужжатлари асосида қабул қилишни қоида тарзида белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ерларда кадастр баҳолашни ўтказиш ва ерларнинг меъёрий баҳоси асосида шаклланувчи ер учун тўлов тизимига ўтилишини таъминлаш. Бунинг учун амалдаги ер учун тўлов тизимини такомиллаштириш зарур. Буни амалга ошириш қуйидагиларга боғлиқ: ер учун тўлов ставкалари иқтисодий сезиларли бўлиши ва тегишли ер участкасининг рента даромадига мос келиши керак; ер учун тўлов барча учун мажбурий, у юридик ёки жисмоний шахслигидан (ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва хусусий мулкдор) қатъий назар мажбурий

бўлмоғи лозим; имтиёзли солиққа тортиш эса фақат тўлов миқдори, тўлов ҳамда йиғиб олиш муддатлари билан тартибга солиниши зарур; ер учун тўлов тизими, ер солиғи ва ижара ҳақидан ташқари ўзида қишлоқ хўжалик ерларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни бузганлиги учун, шунингдек ер билан боғлиқ ишлардан (олди-сотди в.х.), ер кадастри ахборотларидан фойдаланганлик учун тушадиган тушумларни, жарималарни йиғиб тўланишини ҳам қамраб олиши керак; ер учун тўловларни ўзгармас қилиб, 3-5 йилга белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Илмий тадқиқот натижасида тавсия этилган ечимларни республикаимиз туманларидаги юридик шахслар ва фуқароларнинг бинolari ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ноқишлоқ хўжалик корхоналари ер участкаларини хусусийлаштириш учун амалга оширилса ер ажратиш бўйича лойиҳа ечимлари иктисодий асослашнинг самарасини оширишга эришилади. Ер ресурсларини бошқаришнинг барча босқичларида автомат-лашган ер ахборотлари тизимини яратиш ишларини кенг кўламда ёйиш керак.

Ишлаб чиқилган тавсияномани Республика миқёсида маъмурий туманлардаги ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати амалиётида қўллаш эвазига қуйидаги натижаларга эришилади:

- шаҳарда махсус ер фондини ташкил этиш ва тақсимоти бўйича ер участкасига бўлган ҳуқуқларни такомиллаштиришда ҳужжатларни расмийлаштиришни тартибга солиш янги имкониятларни пайдо бўлишига олиб келади;

- Ер тақсимотининг бевосита самарасидан ташқари қуйидаги билвосита самараларга эришиш ҳам кўзда тутилган:

- иш сифати, мутахассисларнинг малакаси ва маданияти ошади;

- маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги таъминланади;

Ер тузиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назорати ўтказиш, ер мониторинги ва давлат кадастри юритиш учун тегишли миқёсдаги замонавий ва сифатли картография тарҳ ҳужжатлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик

корхоналарининг бўлиниб кетиши, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожланаётган ҳозирги шароитда янада йирикроқ миқёсдаги (1:1000, 1:2000 ва 1:5000) картографик асослар яратиш зарурати туғилди. Шу сабабдан, юқоридаги мақсадлар учун картографик – тарх асосларини яратиш ва янгилаш технологиясини тубдан ўзгартириб, географик ахборот тизими йўли билан яратиш лозим бўлади. Бунда географик ахборот тизимининг таркибий тузилиши ерларни дистанцияли (масофадан туриб) зондрлаш (аэрофотосуратга, коинотдан суратга олиш), суратли хариталар тузиш, киритиш, ишлов бериш, сақлаш ва географик ахборотларни янгилаш, шунингдек уларга асосланиб, харита асосларини тузиш ҳамда керакли миқёсдаги харита ва тархларни чоп этилишини таъминлаш керак.

Бозор иктисодиёти шароитида давлат миқёсида утказилаётган умум иктисодий, ер ва аграр ислохотларни амалга оширишнинг мураккаб жараёнлари даврида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш эҳтиёжини кучайтиради. Айнан шу маънода ер кадастри ва ер тузиш буйича янги назарий ва амалий жихатдан ёндошувлари ер таксимотининг амалий масалаларини ечимларида уз исботини топганлиги куйилган муамони амалий ахамиятини билдиради. Ер таксимотининг тизимли ёндошувини умум давлат миқёсидан ер кадастрининг бирламчи манбаи булган ер участкасигача булган погоналарда ҳал этиш, миллий хисобот таркибида ер хисобининг амалдаги куллаш услублари ҳам бажарилган тадқиқотларни амалий ахамиятини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат» - 1999. Б. 448.
2. «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 28 август, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат». - 1999. Б. 448.
3. «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 30 апрел, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат». - 1999. Б. 448.
4. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // 29 август 1997 йил.
5. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // 24 декабр 1998 йил. ' "
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2008 й. - 692 б.
7. Ўзбекистан Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Т.: «Адолат» - 1998. Б. 320 б.
8. Ўзбекистан Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистан Республикаси кодекслари: Тўплам/ Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: Адолат, 2006. - 800 б.
9. "Иқтисодиётни реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирлари Дастури тўғрисида" ги 4050-сонли Ўзбекистан Республикаси Президентининг Фармони. 2008 йил 28 ноябр.
10. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-1978 от 18.03.98г. « О программе углубления экономических реформ в сельском хозяйстве на период 1998-2000 годы». // Финансовая законодательства Республики Узбекистан. - 1998 г.

11. "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос килиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қарори//1995 йил 11 апрель.- №126
12. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ягона ер солиги ундириш тартиблари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. // 1998 йил 26 декабрь. - №539.
13. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -349 б.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: "Ўзбекистон", 2000. - 528 б.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т.: "Ўзбекистон", 2001.-432 б.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий кадрият. Т. 14. Т.: "Ўзбекистон", 2006.-280 б.
17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. // Т.: «Ўзбекистон». — 2009, Б. 56.
18. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. // Т.: «Ўқитувчи». - 1993.-Б. 240.
19. Исмоилов А. Бозор муносабатларини шаклланиши ва агросаноатда иқтисодий ислохотлар. // Самарканд. - 1993. - Б. 14.
20. Нигматов А. Ер ҳуқуқи. III.: «ТИУ». - 2001. - Б. 224.
21. Аvezбаев С, Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. //Янги аср авлоди. - 2002 й.
22. Алтиев А.С., Тошқулов А.Х. Ер солиғи: назария ва услубиёт// Монография. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA». - 2007. - Б. 108
23. Рахмонов.К, асс.Норбоев. Ш Ер ресурсларини бошқариш фанини урганиш буйича хабарчи вароқлардан фойдаланиш «Ер ресурсларидан

фойдаланишни ташкил этиш ва ер кадастри муоммолари». Маколалар туплами Тошкент, 2005 й ТИМИ 139-140 бетлар

24. Бобожонов. А.Р Гофуров. А. Ж доц.Рахмонов К Ер кадастри Дарслик. ТИМИ, 211 бет. Тошкент, 2008 йил

25. Бобожонов.А.Р Норбоев. Ш.К Рахмонов К Ер участкаларини руйхатлаш буйича маълумотлар банкни яратишнинг илмий-услубий асослари Монография, «Чулпон», Тошкент, 2006 йил, 107 бет

26. Рахмонов К., Шахарда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқарув муаммолари«Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ер кадастри муаммолари». Маколалар туплами Тошкент, 2005 й ТИМИ 29-34 бетлар.

27. Рахмонов К., Иктисодиёт тармоклари буйича ер таксимоти муаммолари «Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари» Тошкент, 2007 йил.ТИМИ 1 том.

28. Рахмонов К., Тармоқлар бўйича ер таксимоти муаммолари. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари Республика илмий амалий анжумани (1 том) 2007 йил.

29. Рахмонов К., Фермер хўжалигида ердан фойдаланишни бошқаришнинг назарий масалалари. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари. Республика илмий амалий анжумани (2 том) 2007 йил.

30. Фарғона шаҳар Ер ресурслари, геодезия ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 1990-2008 йиллардаги турли ҳисоботлари материаллари.

31. Фарғона шаҳри Давлат мулки қўмитасининг 2011-2013 йиллардаги айрим ҳисобот материаллари.

Интернет саҳифаларига ҳаволалар

1. www.gov.uz/Ergeodezkadastr - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси
2. www.gki.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси
3. www.press-service.uz, www.kremlin.ru
4. <http://www.c-x.com> – Land and Real Estate Appraising
5. <http://www.iiasa.ac.at> – Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
6. <mailto:apex@apex-realty.ru>
7. <mailto:site@tikhvin.org>
8. <http://www.c-x.com> – Land and Real Estate Appraising
9. <http://www.iiasa.ac.at> – Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
10. <mailto:apex@apex-realty.ru>
11. <mailto:site@tikhvin.org>
12. Land and Real Estate Appraising
13. Modeling Land-Use and Land-Cover Changes